2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 199 (1798), 2026 йил 25 сентябрь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

АНДИЖОНДА САЛОҲИЯТНИ НАТИЖАГА АЙЛАНТИРИШ ДАВРИ: САРМОЯ, ТЕХНОЛОГИЯ ВА ЮҚОРИ ДАРОМАДЛИ ИШ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди.





Андижонликлар 24 сентябрь тонгини кузнинг ёқимли ҳавоси — барака ва мусаффолик тимсоли бўлган ёмғир билан кутиб олди. Минг йилларки, майин ёмғир ёруғлик, барака ва мўл ҳосил рамзи бўлган. Мамлакатимиз раҳбари раислигида ўтказилган йиғилишда мазкур рамзий ишора яна бир бор тасдиғини топди.

Йиғилишда ҳудудни изчил иқтисодий юксалтириш, ижтимоий бирдамлик ва ўсишга хизмат қиладиган таклиф ҳамда ташаббуслар илгари сурилди. Тўғри, кейинги йилларда вилоятда барча соҳалар бўйича кўплаб ютуқларга эришилди. Масалан, шу йилнинг биринчи ярмида вилоят иқтисодиёти 8,8 фоиз ўсган. Айни кўрсаткич саноатда 9,2 фоизни, хизматлар соҳасида 16,1 фоизни ташкил этган. Албатта, ютуқлардан қувонишга ҳақлимиз. Бироқ ҳаёт бир жойда тўхтаб турмаслиги ҳам айни ҳақиқат. Шу боис, янгиланишлар рақамлар билан эмас, ҳар бир оиланинг кундалик ҳаётига қандай ўзгариш олиб киргани билан баҳоланади. Ана шу нуқтаи назардан, янги марралар белгилаб олинди. Табиийки, уларга эришишнинг аниқ режаси, иқтисодий-ижтимоий харитаси ҳам кўрсатиб берилди. Жумладан, йиғилишда инвестициялар ҳажмини ошириш борасидаги ишлар таҳлил қилинди. Бунда келаётган сармоянинг сифати, таркиби ва иқтисодиётга берадиган самарасига алоҳида эътибор қаратилди. Яқинда саноат ва тадбиркорлик учун вилоятда 1000 гектар майдон ажратилган эди. Йиғилишда ушбу имконият Андижонда 7 миллиард доллар инвестиция ва камида 70 минг юқори даромадли иш ўрнига айланиши кераклиги таъкидланди. Қолаверса, соҳадаги айрим жиҳатлар таҳлил этилиб, қатор вазифалар белгиланди. Жумладан, сармояларни юқори қўшилган қиймат, замонавий технология ва барқарор иш ўринлари очадиган йўналишларга жалб қилиш зарурлиги таъкидланди.

Асакада автомобилсозлик бўйича 30 йиллик тажриба шаклланган. Мана шу тажриба асосида ўз технологияларини яратишга ўтиш вазифаси қўйилди. Шу мақсадда “Асака муҳандислик водийси” ташкил этилади. Унда дастурий маҳсулотлар, электроника, электромеханика ва муҳандислик хизматлари занжири йўлга қўйилади. Мана шу омилнинг ўзиёқ соҳаларни одатий иш тартибидан чиқариб, глобал иқтисодий тебранишларга чидамли тизимга ўтилаётганини англатади. Бундай тизим эса ёш, билимдон ва юқори салоҳиятли кадрлар синфи билан барқарор аҳамият касб этади. Бу борада ҳам муҳим қадам ташланмоқда. Жумладан, ҳозир вилоятда муҳандислик, энергетика, саноат ва ахборот технологиялари йўналишларида таҳсил олаётган 10 минг талаба бор. Йиғилишда уларнинг ғояларини тайёр маҳсулотга айлантирадиган тадқиқот ва ишланмалар марказларини ривожлантириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Таъкидланганидек, вилоятда ер ва табиий бойликлар чекланган. Ана шу чекланган имкониятни катта салоҳиятга айлантириш мумкин. Айниқса, андижонликлар каби ҳаракатчан инсонлар, бу ердаги кучли тадбиркорлик муҳити, кўп сонли ёшлар ҳудуднинг кучли жиҳатидир. Буларнинг барчасини ҳисобга олиб, энди вилоятда инвестиция натижадорлиги ҳар бир квадрат метр майдонда яратилган қўшилган қиймат билан баҳоланиши белгиланди. Мазкур вазифа учун ҳам давлатимиз раҳбарининг ўзи аниқ режа тақдим этди. Унга кўра, Қорақалпоғистон тажрибаси асосида қолган 13 ҳудуд учун ҳам лойиҳалар менежери лавозими жорий этилади. Андижондаги лойиҳалар менежери вилоятнинг янги инвестиция моделини яратишга масъул бўлади. Бунинг учун сунъий интеллект ёрдамида ҳар бир туманнинг саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалигидаги имконияти баҳоланади. Таҳлил натижасига кўра, юқори қўшилган қиймат яратиш имкони бўлган соҳалар аниқлаб олинади. Шу асосда хориж сармоясини жалб қилиш режаси ишлаб чиқилади.


Халқни рози қилиш сиёсати устувор бўлган мамлакатда ижтимоий масалаларга иқтисодий самарадор ечимлар таклиф этилади. Шу маънода, янги Ўзбекистонда иш ўринлари очишга катта эътибор қаратилмоқда. Андижонда ҳам бу борада яна бир ташаббус илгари сурилди. Яъни йирик корхоналар фаолияти кенгайтирилади. Улар самарадор ишлаши учун технологик модернизация қилинади. Шу орқали янги иш ўринлари очиш чораси кўрилади. Келгуси йили вилоятда камида 10 фоиз иқтисодий ўсишни таъминлаш вазифаси қўйилди. Бунда 5 миллиард доллар инвестиция жалб қилиниб, экспорт 1,5 миллиард долларга етказилади.

Юртимизда ҳар бир ҳудуднинг имконияти, ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб, драйвер соҳалар белгилаб олинади. Айни пайтда барча соҳада ривожланишга эришиш учун муайян имтиёз ва имкониятлар тақдим этилади. Бу, айниқса, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қўл келмоқда. Айни мақсад туфайли Андижонда йирик чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик комплексларини кўпайтириш вазифалари белгиланди. Масалан, Улуғнордаги пахтадан озуқа экинларига ўтказилган 5000 гектар майдонда камида 10 минг бош қорамол боқиш мумкин. Дала четидаги ердан самарали фойдаланиш орқали ҳам чорвачиликни кенгайтириш имкони бор. Йил якунигача шундай майдонларнинг камида 200 гектарида чорва боқиш учун шароит яратиш, Улуғнор ва Бўстонда йирик чорвачилик комплекслари лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Шунингдек, Балиқчи тажрибаси асосида Жалақудуқда 4 та, Хўжаободда 3 та товуқ гўшти комплекси лойиҳасини бошлаш вазифаси қўйилди. Қолаверса, Улуғнордаги 1200 гектар майдонда Балиқчи тумани тажрибаси асосида балиқчилик кластери ташкил этилади.

Ислоҳотлар изчиллиги таъминланиши учун имконият ахтариш эмас, бор салоҳиятни юқори самарага олиб чиқиш талаб этилади. Вилоятда бу борадаги янгиланишлар барқарор давом эттирилади. Яъни Жалақудуқ, Марҳамат, Асака ва Андижон туманларидаги адирликлар иқтисодий айланмага киритилади. Бунинг учун алоҳида “Агростар” компанияси ташкил этилиб, баҳоргача 4-5 минг гектар майдонга сув чиқарилади. Шу ерларда шафтоли, гилос, ўрик, олхўри дарахтларидан иборат саноатлашган боғлар барпо этиш ҳаракати бошланади. Боғлар уч йил парваришланиб, аҳолига тайёр ҳолда таклиф қилинади. Яъни ҳозир шунчаки адирлик бўлган жой катта маблағ эвазига ўзлаштирилади. Катта боғ яратилиб, аҳолига даромад олиш учун берилади. Ана шунинг ўзиёқ Ўзбекистон том маънода ижтимоий давлат вазифасини юқори даражада бажараётганини англатади.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.



Александр КВАСЬНЕВСКИЙ:

“ЎЗБЕКИСТОННИНГ СЎНГГИ 10 ЙИЛЛИКДАГИ ЎЗГАРИШЛАРИ КЕЛАЖАККА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРДИР”

Польшанинг собиқ Президенти, “Amicus Europae” жамғармаси асосчиси ва бошқарув кенгаши раиси Александр Квасьневский Ўзбекистоннинг сўнгги 10 йилликдаги кенг кўламли ислоҳотлари, натижалари ва ютуқлари ҳақида “Дунё” ахборот агентлигига интервью бериб, мамлакатимиз халқига самимий табрик ва эзгу тилакларини йўллади.



— Бу йил янги Ўзбекистонда ислоҳотлар бошланганига 10 йил бўлди. Ушбу давр мобайнида амалга оширилган ишлар ва эришилган ютуқларни қандай баҳолайсиз?

— Мамлакатингизда рўй берган ўзгаришлар ҳар қандай кишида катта таассурот қолдиради. Ислоҳотлар кенг кўламда кечмоқда. Энг муҳими, улар геосиёсий вазият нуқтаи назаридан осон бўлмаган даврда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шундай мураккаб вазиятга қарамай, Президентингиз ва халқингизнинг ислоҳотларни изчил давом эттириш борасидаги қатъияти юксак ҳурматга сазовор.

Янги Ўзбекистон янги Конституция қабул қилгани жуда муҳим воқеа бўлди. Бу кўплаб ислоҳот ва лойиҳаларни амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади. Менимча, янги Конституция жамият фаоллигини оширади, фуқароларга ўз ҳаёти ва мамлакат иқтисодий фаолиятига янада кўпроқ таъсир кўрсатиш имконини беради.

Ўзбекистон бугунги жаҳондаги мураккаб вазиятга қарамай, оқилона ва мувозанатли ташқи сиёсат юритмоқда. Хусусан, Россия ва Хитой билан яхши алоқалар йўлга қўйилган, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Европа Иттифоқи ва бошқа давлатлар билан ҳам муносабатлар изчил ривожланиб бормоқда.

Давоми 3-бетда

Халқаро эътироф

ЖАҲОН БАНКИ ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИ КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИШ ВА ФАРОВОНЛИККА ЭРИШИШ ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЮКСАК БАҲОЛАДИ

Дунё иқтисодиёти бугун катта ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда. Янги технологиялар ишлаб чиқариш ва меҳнат бозорининг қиёфасини ўзгартираётган, инфляция аҳоли харажатига босим ўтказаётган, геосиёсий зиддиятлар ва экологик вазият миллионлаб одамларнинг даромад манбаларига таъсир қилаётган шароитда камбағаллик масаласи янада мураккаб тус олди. Бир мамлакатда иш ўрни қисқариши, бошқасида озиқ-овқат нархининг ошиши, яна бир ҳудудда қурғоқчилик туфайли даромаднинг камайиши ўзаро боғланган жаҳон иқтисодиёти орқали умумий муаммога айланмоқда.



Жаҳон иқтисодиётида камбағаллик масаласи янада мураккаб тус олаётган бир пайтда Ўзбекистонда сўнгги йилларда кузатилаётган ўзгаришлар алоҳида эътиборга молик. Инфляция, меҳнат бозоридаги трансформация, геосиёсий беқарорлик ва аҳоли даромадларига таъсир қилаётган глобал омиллар шароитида камбағаллик даражаси пасайиши иқтисодий сиёсат натижаларини баҳолашда муҳим мезонлардан бирига айланмоқда.

Давоми 3-бетда

Таҳлилларга кўра, 30 та маъмурий бинони кўчириш орқали бизнес учун 13 гектар ер ва 70 минг квадрат метр жой бўшайди. Бунинг ҳисобига қўшимча 1 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш мумкин. Муҳими, 20 минг иш ўрни очиш имконияти пайдо бўлади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 25 сентябрь, 199-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

АНДИЖОНДА САЛОҲИЯТНИ НАТИЖАГА АЙЛАНТИРИШ ДАВРИ: САРМОЯ, ТЕХНОЛОГИЯ ВА ЮҚОРИ ДАРОМАДЛИ ИШ

Бошланиши 1-бетда

Муҳими, боғ ҳосилидан юқори даромад олиш учун ҳам аниқ режа бор. Яъни кичик ускуналар аҳолига лизингга берилади. Шу орқали туман брендлари яратилиб, ишлаб чиқаришни ҳозирги 16 фоиздан 30 фоизга етказиш мумкин бўлади.

Жаҳон бозоридаги глобал ўзгаришлар, тебранишлар кўплаб соҳаларга таъсир ўтказмоқда. Жумладан, ҳозир ташқи бозорда пахтага талаб пасайиб, экспортда логистика харажати ошиб боряпти. Бундай шароитда қўшилган қиймат яратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Шу боис, фермерлар, кластерлар ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чораси эълон қилинди. Хусусан, пахтани биржада сотган фермерга ҳам, уни сотиб олган кластерга ҳам ҳар тонна учун 500 минг сўмдан субсидия берилади. Ўз ерида пахта етиштирган кластерлар эса гектарига 1,5 миллион сўмдан субсидия олади. Тайёр маҳсулот экспортчиларининг кредит фоизидан бир қисмини уч йил давомида компенсация қилиш бўйича ҳисоб-китоблар киритиш топширилди. Маркетплейслар орқали сотилган маҳсулот қийматининг бир қисмини қайтариш юзасидан ҳам таклифлар тайёрланади.

Кўп иш ўрни очаётган саноат корхоналари учун янги рағбатлантириш чоралари белгиланди. Унга кўра, камида 1000 нафар ишчиси бўлган корхоналарнинг ходимларни ўқитиш, малакасини ошириш ҳамда иш жойига олиб келиш ва олиб кетишдаги транспорт харажатларининг 50 фоизи компенсация қилинади. Бундай корхоналарда камида беш йил ишлаган ходимлар фарзандларининг ОТМда ўқиши учун тўлов-шартнома пули қоплаб берилади. Иш ўринлари сони 1000 га яқинлашаётган корхоналар учун ҳам алоҳида грантлар ажратилади. Айни йўналишда Андижоннинг ўзига 20 миллион доллар берилади.

Вилоят водийдаги муҳандис кадрлар марказига айлантирилади. Ҳозир ҳудуддаги 12 та ОТМда 95 минг талаба, 59 та техникумда 60 минг ўқувчи таҳсил олмоқда. Бу салоҳиятни ишлаб чиқариш билан узвий боғлаш зарурлиги таъкидланди. Олийгоҳ ва техникумларнинг амалий кафедраларини 46 та саноат зонаси ва 56 та йирик корхона ҳудудига кўчириш, енгил конструкцияли ўқув хоналарини ташкил этиб, йил якунигача дуал таълимни камида 80 фоизга етказиш топширилди. Шунингдек, Андижон техника институти трансформация қилинади. Хорижлик менежер ва профессор-ўқитувчилар жалб қилиниб, таълим дастурлари ва йўналишлари янгиланади.

Яна бир муҳим йўналиш — электр энергияси ишлаб чиқариш. Саноат, умуман, иқтисодий тармоқлар ўсиши энергияга талабни оширади. Йиғилишда вилоят ҳудудидан ўтган дарё ва каналлар бу борада катта захира манбаи экани таъкидланди. Ҳозирнинг ўзида умумий қуввати 44 мегаватт бўлган кичик ва микро ГЭСлар қуришга 400 талабгор бор. ГЭС турбиналарини ишлаб чиқариш ҳам вилоятнинг ўзида йўлга қўйилган. Икки йиллик дастур асосида микро ГЭСларни тайёр ҳолда қуриб, тадбиркорларга лизингга бера бошлаш, қулай молиявий механизмларни жорий этиш топширилди. Мамлакатимизда ариқ ва каналлар бетонланмоқда. Ана шу жараёнда самарали фойдаланиб, вилоятдаги каналларнинг 81 километрида ГЭСлар каскади қурилади.

Шунингдек, йиғилишда замонавий хизматларни кенгайтириш борасидаги вазифалар ҳам кўриб чиқилди. Бунинг учун Андижондаги давлат ташкилотлари Бобур шаҳрига кўчирилади. Уларнинг ўрнида бўшайдиган бино ва майдонларда савдо ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси ривожлантирилади. Таҳлилларга кўра, 30 та маъмурий бинони кўчириш орқали бизнес учун 13 гектар ер ва 70 минг квадрат метр жой бўшайди. Бунинг ҳисобига қўшимча 1 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш мумкин. Муҳими, 20 минг иш ўрни очиш имконияти пайдо бўлади. Шундан келиб чиқиб, Асака, Шаҳрихон, Қўрғонтепа марказлари ва Хонобод шаҳрини ҳам юқори даромадли бизнес ҳудудига айлантириш вазифаси қўйилди.

Эркинлик бор жойда иқтисодиёт тез ривож топади. Ўзбекистонда эса ана шу эркинлик билан бирга қатор имтиёз ва имкониятлар ҳам бериляпти. Муҳими, соҳа доим ислоҳ қилиб борилмоқда. Масалан, йиғилишда банклар фаолиятига янгича ёндашув талаб қилинаётгани таъкидланди. Давлат банклари анъанавий гаров ва бир хил стандарт шартлар билан чекланмай, мижозлар бизнесини ўстириш тамойили асосида ишлаши зарур. Шу боис, реал пул оқими, буюртма ва шартномалар, товар айланмаси ҳамда бизнес занжирига асосланган молиявий маҳсулотлар кенг жорий қилинади. Кичик тадбиркорларнинг йирик буюртмачи билан узоқ муддатли шартномаси кредит гарови сифатида қабул қилинади. Энди 500 миллион сўмгача лойиҳаларни кредитлашда бизнес-режа талаб этилмайди. Бунда маблағ пул оқимига қараб ажратилади. Экспортбоп маҳсулот учун хомашё сотиб олиш кредитида суғурта полисининг ўзи гаров сифатида етарли бўлади.

Шу билан бирга, солиқ идоралари ҳам тадбиркорлар фаолиятини кенгайтириш ва иш ўринларини сақлаб қолишга кўмаклашади. Яъни даромади ёки иш ўрни камайган корхонага маҳалла солиқчиси бориб, муаммони ўрганади. Ҳоким ёрдамчиси ва маҳалла банкири билан бирга солиқ тўловини кечиктириш, кредит муддатини узайтириш, айланма маблағ, бозор ёки экспортга кўмаклашиш бўйича туман штабига таклиф киритади. Шу орқали тадбиркорга кўмак берилиб, иқтисодий барқарорлик сақланади. Барча соҳада адолатли тизим бўлгани каби бу жараёнда ҳам ҳар бир бизнеснинг даромадга кириш даври ва хусусияти инобатга олинади. Ёшлар бандлиги маҳалла солиқчилари фаолиятини баҳолаш ва меҳнатига ҳақ тўлашда самарадорлик мезони қилиб белгиланади.

Йиғилишда тадбиркорларнинг судда кўрилаётган ишларини тез ва самарали ташкил қилиш зарурлиги таъкидланди. Жумладан, далиллар етарли бўлган ишлар бўйича жараёнларни соддалаштириш ва муддатларни қисқартириш мумкинлиги қайд этилди. Олий суд, Бизнес-омбудсман ва Адлия вазирлиги Андижонда тадбиркорларнинг мурожаатларини эшитиб, масалаларига ечим топиши кераклиги кўрсатиб ўтилди. Бир ойда процессуал қонунчилик таҳлил қилиниб, қайси ишларни соддалаштирилган тартибда кўриш ва муддатларни қисқартириш мумкинлиги юзасидан таклифлар ишлаб чиқилади.

Иқтисодий-ижтимоий юксалишнинг муҳим омилларидан бири жамоат транспорти ва логистика имкониятини ривожлантиришдир. Бу борада ҳам соҳани кенгайтириш бўйича йирик лойиҳалар белгиланди. Хусусан, “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли ҳисобига юк ташиш ҳажмини 10 карра ошириб, йилига 15 миллион тоннага етказиш имкони пайдо бўлади. Шу муносабат билан йил якунигача Қўрғонтепа ва Хонободдаги 300 гектар майдонда 600 миллион долларлик логистика комплекси лойиҳасини бошлаш топширилди.

Қирғизистон билан “Дўстлик” постига нисбатан икки баробар катта “Кесканёр” чегара постини очиш бўйича келишувга эришилгани қайд этилди. Уч ойда унинг лойиҳасини ишлаб чиқиб, қурилишни бошлаш вазифаси қўйилди. Бу юк ташиш ҳажмини 2-3 карра ошириш ва муддатини бир ҳафтага қисқартиришга хизмат қилади. Янги транспорт оқимига мос равишда 78 километрли Хонобод — Андижон пулли автомобиль йўлини лойиҳалашга киришилади. Келгуси йили Тошкент — Андижон пулли автомобиль йўлини қуриш бўйича амалий ишлар бошланади.

Бобур шаҳри Андижон вилояти аҳолиси учун ҳақиқатан ҳам сира кутилмаган, энг йирик ва ҳаётий лойиҳа бўлди. Тўрт минг гектар адирда барпо этилаётган шаҳардаги қулай уйларга 25 минг одам кўчиб ўтди. Яна 200 минг кишига мўлжалланган 800 та кўп қаватли уй-жой қурилиши бошланди. Бу андижонликларга қулай муҳитда, соғлом ижтимоий шароитда яшаш имконини бермоқда. Бу ерда савдо комплекслари, бизнес марказлари, меҳмонхоналар, хусусий таълим, тиббиёт ва спорт объектларини барпо этиш истагидаги тадбиркорлар қўллаб-қувватланади. Бундай объектларда инвестициянинг қайтиш муддати узоқ. Шу боис, ернинг бошланғич нархи уй-жой қурилиши учун ажратиладиган ерникига нисбатан икки баробар арзон этиб белгиланади.

Вилоят аҳлининг узоғини яқин қиладиган яна бир лойиҳа — Андижон шаҳридаги Бобур шоҳкўчасида кўприк ишга туширилди. Ушбу тажриба кенг жорий этилиб, келгуси йили Миллий тикланиш ва Навоий, Ўзбекистон ва Бобур, Амир Темур ва Янги айланма йўли кўчалари кесишмасида яна учта йирик йўл ўтказгич қурилади. Асака туманининг марказини айланиб ўтувчи кўприк ҳам ишга туширилади.

Шунингдек, йиғилишда вилоятда ичимлик сув ва канализация хизматларини яхшилаш борасидаги ишлар изчил давом этиши қайд этилди. Хусусан, бир миллион одамнинг сув таъминотини яхшилаш учун келгуси йилдан Хонобод — Андижон магистраль қувурининг иккинчи тармоғи ётқизилиши бошланади. Андижон шаҳрида канализация тармоғининг 9 километри реконструкция қилинмоқда. Қолган 15 километрини янгилаш учун ҳам маблағ ажратилади. Олтинкўлдаги оқова сув тозалаш иншоотининг қуввати икки баробар оширилади.

Устувор яна бир вазифа хотин-қизлар бандлигини таъминлашдир. Бунинг учун ҳам вилоятда алоҳида молиявий ва ташкилий имкониятлар яратилади. Андижонда ишлаш истагидаги 3000 аёл бола парвариши билан банд. Шу боис, оилавий боғча очиш ниятидаги тадбиркорлар таклифларини қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатма берилди. Умуман, Андижонда аёлларни иш билан таъминлаш учун алоҳида жамғарма ташкил этилиб, унга 20 миллион доллар ажратилади.

Қолаверса, йиғилишда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва кибержиноятларнинг олдини олишда рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш борасида ҳам муҳим вазифалар белгиланди. Жумладан, Андижон шаҳри, Шаҳрихон ва Андижон туманлари ички ишлар идоралари раҳбарларига рақамлаштириш ҳамда кибержиноятларга қарши курашиш бўйича ўринбосар лавозими таъсис этилади. Улар кўчалардаги камералар маълумотини сунъий интеллект орқали таҳлил қилади. Шу асосда безорилик, ўғрилик ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича ечимлар ишлаб чиқади. Киберҳужумлардан ҳимояланиш дастури ишлаб чиқилиб, бюджет ташкилотлари ходимлари, ўқувчи ва талабалар, пенсионерларнинг бу борадаги билими оширилади. Йил якунигача ушбу тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам жорий этиш топширилди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллалар ободлиги ҳар бир инсоннинг меҳнати ва дахлдорлиги билан боғлиқлигини таъкидлади. Аслида, маҳалла тизими ўзини ўзи бошқариш вазифаси туфайли асрлар оша яшаб келмоқда. Аждодларимиз орасидан табиий танланган оқсоқоллар элга бошчилик қилиб, ёшларни тўғри йўлга солган. Яъни давлат бошқарувчилари сафидан ташқарида бўлган оқсоқоллар жамият бирдамлиги йўлида фаолият юритган.

Йиғилишда фаоллар ва нуронийлар кўчаларни обод қилиш, ариқларни тозалаш, хонадонлар атрофига дарахт ва гуллар экишда бош-қош бўлиши муҳимлиги қайд этилди. Бу ёшларда ҳам ўз маҳалласи, кўчаси ва юртига меҳр ҳамда масъулиятни кучайтиради. Келгуси йили Андижонда 100 та маҳаллага “Янги Ўзбекистон қиёфаси”ни олиб кириш режасини тайёрлаш топширилди. Мамлакатимиз етакчиси андижонликларга хос ташаббускорлик, меҳнатсеварлик ва натижага интилиш ушбу мақсадларга эришишда мустаҳкам таянч бўлишига ишонч билдирди.

Йиғилиш якунида мутасаддиларнинг ахбороти тингланди, андижонликлар билан мулоқот қилинди.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Андижон вилоятига ташрифи якунланди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари

ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШ СУРУРИ

Акс садо

Давлатимиз раҳбарининг ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти ва одамларни ўйлантираётган масалалар билан яқиндан танишиш, истиқболдаги устувор вазифаларни белгилаб бериш мақсадида вилоятларга ташриф буюриши яхши анъанага айланди. Ҳар бир ташриф ҳудуд тараққиётига янги суръат бағишлаб, йирик лойиҳалар, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларига кенг йўл очмоқда.



Президентимизнинг Андижон вилоятига навбатдаги ташрифи ҳам ана шундай кўтаринки руҳда ўтди. Узоқ кутилган ташриф андижонликларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, уларни янги марралар сари руҳлантирди. Зеро, давлатимиз раҳбари қаерга бормасин, ким билан мулоқот қилмасин, аввало, инсон манфаати, одамларнинг дарду ташвиши, орзу-интилишларига алоҳида эътибор қаратди. Самимий мулоқотларда халқимизга юксак меҳр ва эътибор яққол намоён бўлди.

Мамлакатимиз етакчисининг жойлардаги учрашувлари, аҳоли билан самимий мулоқотлари, янги лойиҳалар тақдимотида билдирган фикр ва ташаббусларини водий аҳли катта қизиқиш билан кузатди. Мен ҳам Андижон фарзанди сифатида мазкур тадбирларда бевосита иштирок этиб, бу тарихий жараёнларга гувоҳ бўлганимдан мамнунман. Айниқса, одамлар кайфиятидаги кўтаринкилик, уларнинг эртанги кунга ишончи, янги ташаббус ва лойиҳаларга билдирилаётган қизиқиш бугун Андижонда кечаётган янгиланишлар халқ ҳаёти ва тафаккурида ҳам чуқур акс этаётганини яққол кўрсатиб берди.

Вилоятда кечаётган ўзгариш ва янгиланишларга назар ташлар экансиз, қисқа давр мобайнида амалга оширилган ишлар кўламини ҳис қиласиз. Кенг қамровли ислоҳотлар натижасида нафақат иқтисодиёт ва инфратузилма, балки одамлар дунёқараши, турмуш тарзи ва эртанги кунга ишончи ҳам ўзгармоқда.

Йиллар давомида аҳолини қийнаб келган кўплаб масалаларга ечим топилди. Янгидан янги корхоналар ташкил этилди, иш ўринлари кўпайди, тадбиркорлик учун имкониятлар кенгайди, маҳалла ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди.

Сўнгги ўн йилда вилоятга республика бюджетидан 20 триллион сўм, банклар томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун 90 триллион сўм йўналтирилгани, биргина жорий йилда аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида 6 триллион сўм ажратилгани бу борадаги ишлар кўламини яққол кўрсатади. Ушбу маблағлар янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда.

Фаол ислоҳотлар самараси вилоятнинг иқтисодий кўрсаткичларида яққол намоён бўлмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида ҳудуд иқтисодиёти 8,8 фоиз, саноат 9,2 фоиз, хизматлар соҳаси 16,1 фоиз, инвестиция ҳажми эса 8,9 фоиз ўсди. Бу рақамлар ортида, энг аввало, янги корхоналар, янги иш ўринлари, янги даромад манбалари ва одамларнинг ҳаёт сифатидаги ижобий ўзгаришлар турибди.

Бугун қайси соҳага қараманг, янгиланиш ва бунёдкорлик кўзга ташланади. Янги корхоналар, замонавий инфратузилма объектлари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўзгаришлар ва ободончилик ишлари нафақат андижонликлар, балки вилоятга келаётган меҳмонларда ҳам катта таассурот қолдирмоқда.

Андижон халқаро аэропортидаги кенг кўламли янгиланишлар бунинг ёрқин намунасидир. Бир пайтлар имкониятлари нисбатан чекланган аэропорт бугун замонавий инфратузилмага эга йирик транспорт масканига айланмоқда.

Аэропорт мажмуасини реконструкция қилиш лойиҳасининг умумий қиймати 1,1 триллион сўмни ташкил этиб, биринчи босқичда инфратузилма тубдан янгиланди. Учиш-қўниш йўлаги 3,3 километргача узайтирилиб, кенглиги 60 метр бўлган янги 4E тоифали йўлак барпо этилди. Бу эса йирик ҳаво кемаларини қабул қилиш имкониятини сезиларли даражада оширади.

Президентимиз вилоятга ташрифини айнан ушбу йирик объектдаги бунёдкорлик ишлари билан танишишдан бошлагани бежиз эмас. Бугун замонавий транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли ва меҳмонлар учун муносиб ҳамда қулай шароит яратиш муҳим йўналишлардан бирига айланган. Бундай лойиҳалар ҳудуднинг нафақат транспорт, балки иқтисодий, сайёҳлик ва инвестициявий салоҳиятини ҳам юксалтиради.

Давлатимиз раҳбари томонидан замонавий терминал биносини белгиланган муддатда ва сифатли қуриб битказиш бўйича берилган вазифалар йўловчиларга жаҳон стандартлари даражасида хизмат кўрсатиш имкониятини кенгайтиради. Ўз навбатида, вилоятнинг транспорт-логистика имкониятларини янада ривожлантиришга янги туртки беради. Бу аҳоли ва меҳмонлар учун қўшимча қулайликлар ҳам яратиб, Андижоннинг иқтисодий ва сайёҳлик жозибадорлигини янада оширади.

Сўнгги йилларда вилоятда тадбиркорлик ва инвестиция фаолияти ҳам жадал ривожланмоқда. Бизнес учун яратилаётган қулай муҳит саноат тармоқларини кенгайтириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўляпти.

Ташриф доирасида Президентимизнинг янги инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ва уларнинг қурилишига старт бериш маросимида иштирок этгани ҳудуд иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга бўлди. Умумий қиймати 9 миллиард 400 миллион доллар бўлган 206 та инвестиция лойиҳасига старт берилгани мамлакатимиздаги кенг кўламли иқтисодий янгиланишларнинг Андижондаги амалий ифодасидир. Бу шунчаки рақамлар эмас. Уларнинг ортида янги



Одинахон ОТАХОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

корхоналар, замонавий ишлаб чиқариш қувватлари, илғор технологиялар, минглаб иш ўринлари ва энг муҳими, одамлар даромадини оширишга қаратилган улкан имкониятлар мужассам.

Мазкур лойиҳалар энергетика, қурилиш, тўқимачилик, машинасозлик, таълим, туризм, логистика, фармацевтика ва соғлиқни сақлаш каби муҳим соҳаларни қамраб олган. Улар вилоятнинг барча 16 та шаҳар ва туманида амалга оширилиб, ҳудуд иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бугун вилоятда балиқчилик тармоғини изчил ривожлантириш, соҳага замонавий технологиялар ва илғор ишлаб чиқариш усулларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Балиқчи туманида фаолият юритаётган “Chinobod real biznes” корхонасининг балиқ етиштириш лойиҳаси ана шундай истиқболли ташаббуслардан биридир.

Умумий қиймати 30 миллиард сўм бўлган лойиҳа доирасида кўплаб иш ўрни яратилган. Икки гектар майдонда ташкил этилган замонавий мажмуада йилига 200 тонна балиқ гўшти ва 2,5 миллион дона балиқ чавоғи етиштирилади. Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 50 миллиард сўмни ташкил этади.

Эътиборлиси, мажмуада интенсив технологиялардан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Икки гектар майдонда анъанавий усулдаги 100 гектар ҳавзада етиштириладиган ҳажмга тенг маҳсулот олиш имкони яратилгани ер ва сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш баробарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳам оширмоқда.

Корхонада етиштирилаётган гулмоҳи (форель) чавоқлари нафақат ички бозор, балки хорижда ҳам харидорини топган. Масалан, маҳсулотлар Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистонга экспорт қилинмоқда. Асосийси, мазкур лойиҳа ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш билан бирга янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлиги ва даромадини таъминлашга ҳам хизмат қилаётир.

> **Сўнгги ўн йилда вилоятга республика бюджетидан 20 триллион сўм, банклар томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун 90 триллион сўм йўналтирилгани, биргина жорий йилда аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида 6 триллион сўм ажратилгани бу борадаги ишлар кўламини яққол кўрсатади.**



Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилиш эса ҳудуддаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, янги лойиҳаларни амалга ошириш, энг муҳими, одамлар фаровонлигини юксалтиришга янада кенгроқ йўл очади.

Айниқса, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликда йирик комплексларни кўпайтириш бўйича белгилаб берилган вазифалар, аввало, ички бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва нархлар барқарорлигини сақлашга имкон беради.


Масалан, Улуғнорда пахтадан озуқа экинларига ўтказилган 5 минг гектар майдонда камида 10 минг бош қорамол боқиш мумкин. Дала четларидаги ерлардан самарали фойдаланиш орқали ҳам чорвачиликни кенгайтирса бўлади. Йил якунигача шундай майдонларнинг камида 200 гектарида чорва боқиш учун шароит яратилиши, Улуғнор ва Бўстонда йирик чорвачилик комплекслари лойиҳалари ишлаб чиқилиши чорвачилик учун мустаҳкам озуқа базасини яратиб, соҳанинг барқарор ривожига янги суръат беради. Қорамол бош сони кўпайиши эса гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, ички бозор таъминотини яхшилашга хизмат қилади.

Балиқчида ишга туширилган, қиймати 20 миллион доллар бўлган товуқ гўшти комплекси тажрибаси асосида Жалақудуқда 4 та, Хўжаободда 3 та шундай комплекс иш бошлаши ички бозорни сифатли товуқ гўшти билан барқарор таъминлаш ва маҳсулот ҳажмини ошириш баробарида озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ҳудудларда замонавий ва самарали ишлаб чиқариш тизимини кенгайтиришга замин яратади.


Улуғнордаги 1200 гектар майдонда Балиқчи тумани тажрибаси асосида балиқчилик кластери ташкил этилиши соҳани янги босқичга олиб чиқиш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир. Бу ташаббус замонавий усуллар асосида балиқ етиштириш ҳажмини кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли учун барқарор даромад манбаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Ҳар ойнинг охирги ҳафтасида халқ билан мулоқот қилиш мақсадида вилоятимиз ҳудудларида бўлиб, сайловчилар билан учрашувлар ўтказамиз. Очиғи, ҳар гал бирор ўзгариш ёки янгиланишнинг гувоҳи бўламиз. Оддий мисол, яқин-яқингача ёшлар иш излаб хорижга кетаётган бўлса, бугун улар ойласи бағрида яшаб, ўз маҳалласида меҳнат қилмоқда, даромад топмоқда.

Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи том маънода Андижон тарихида янги даврни бошлаб беради. Шубҳасиз, ушбу ташрифдан сўнг юзлаб лойиҳалар амалга оширилади, минглаб иш ўринлари яратилиб, асосийси, халқимиз фаровонлиги янада юксалади. Биз, депутатлар белгилаб берилган вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлашда янада фаол ва ташаббускор бўламиз.







Александр КВАСЬНЕВСКИЙ:

“ЎЗБЕКИСТОННИНГ СЎНГГИ 10 ЙИЛЛИКДАГИ ЎЗГАРИШЛАРИ КЕЛАЖАККА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРДИР”



“Ўзбекистон амалга ошираётган ишларни доим юқори баҳолаб келганман. Мамлакатнинг Қозоғистон ва Марказий Осиёдаги бошқа қўшни давлатлар билан яхши муносабатларини ҳам алоҳида қадрлайман. Шунингдек, Ўзбекистоннинг мувозанатли ва барқарор ташқи сиёсати тўғри йўналишда деб ҳисоблайман.

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатингиз Марказий Осиёда фаол сиёсат юритмоқда ва минтақада барқарорлик ҳамда хавфсизликни таъминлашга катта ҳисса қўшаётган етакчи давлатлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон айни пайтда ўзининг энг катта имкониятларидан бири — ёш авлод салоҳиятини тўғри йўналтириш ва улардан самарали фойдаланишга жиддий эътибор қаратмоқда.

Ўзбек жамияти жаҳондаги энг ёш жамиятлардан биридир. Бироқ ёшларнинг ўзига хос эҳтиёжлари мавжуд. Бу сифатли таълим, мактаблар, иш ўринлари, уй-жой, оила ва фарзандлар билан боғлиқ масалалардир. Табиийки, буларнинг барчаси жуда кенг кўламдаги вазифаларни қамраб олади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон раҳбариятининг бу борадаги сиёсати жуда фаол эканини кўриб турибман. Бугун ёшлар мамлакатингизнинг энг катта капитали ҳисобланади.

— Сизнингча, охирги ўн йилликдаги изчил ўзгаришлар халқаро ҳамжамият, инвесторлар ва хорижий ҳамкорларнинг Ўзбекистонга ишончини қай даражада оширмоқда?

— Ўзбекистонда бўлиб ўтган қатор иқтисодий форумларда иштирок этдим. У ерда билдирилган фикрлар ва муҳокамалар жуда муҳим. Чунки бирор мамлакатга нисбатан ишонч шаклланиши учун, аввало, у давлат самарали бошқарилаётгани, хавфсиз экани, ўз мажбуриятларини бажариши ва ҳуқуқий тизимнинг доимий равишда ўзгариб турмаслигига ишонч бўлиши керак. Ана ўшанда тадбиркор ёки инвестор ўз фаолиятини узоқ муддатга режалаштириши мумкин.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, туризм ва иқтисодиётнинг бошқа йўналишларида ҳам катта салоҳиятга эга. Мамлакатда етиштирилаётган мева ва сабзавотлар дунёдаги энг сархил ва сифатли маҳсулотлар қаторига киради.

Бугунги замонавий жаҳон иқтисодиётини белгилаб бераётган соҳаларда мамлакатингизнинг фаоллиги ҳам жуда муҳим. Хусусан, рақамли технологиялар, “яшил” иқтисодиёт ва экологик муаммоларга эътибор қаратиш лозим.

Мен анчадан буён кузатиб келаётган яна бир муҳим йўналиш туризм ва сайёҳлик инфратузилмаси жадал ривожланиб бораётганидир. Юртингизда сайёҳлар сони тобора ортиб бормоқда, бунда халқаро авиақатновларнинг аҳамияти жуда катта. Варшавадан Тошкентга тўғридан тўғри рейс мавжудлигидан хурсандмиз, мазкур имкониятлар туризмни ривожлантириш билан бирга халқларнинг бир-бирини яхшироқ англашига ҳам катта ҳисса қўшади.

Сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев ва унинг жамоаси амалга ошираётган ишлар Ўзбекистоннинг танланган йўлда қатъий ва собит эканини намоён этмоқда.

— Ўзбекистон барқарор ривожланиш, “яшил” иқтисодиёт, рақамли трансформация, илм-фан, таълим ва инсон капиталини ривожлантириш борасида ташаббусларни фаол илгари сурмоқда. Айтинг-чи, ушбу йўналишларда ислоҳотларни амалга ошириш қанчалик муҳим?

— Бугун рақамли технологиялар билан боғлиқ барча таклиф ва ташаббуслар, сунъий интеллект ва бошқа замонавий йўналишларга жавоб бера олиш учун сифатли ва замонавий таълимга эга бўлиш зарур. Бу борада кўплаб ўзбек ёшларининг хорижда таҳсил олиб, энг сўнгги илғор тажрибаларни ўзлаштираётгани муҳим аҳамият касб этади. Айнан шундай ёшлар мамлакатнинг янада тараққий топишида асосий таянч ҳисобланади.

Фикримча, Ўзбекистонда бунинг учун зарур шарт-шароитлар мавжуд. Агар “яшил” иқтисодиёт ҳақида гапирадиган бўлсак, қуёшли юртингизда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар анча кўп. Шунинг учун қуёш энергетикаси, фотоэлектрик технологиялар ва бошқа “яшил” энергетика йўналишларига жиддий эътибор қаратиш керак.

Бошқа томондан, Ўзбекистонда сув ресурслари билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Бу ерда ҳам ерни янада самарали суғориш ва мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконини берадиган ечимларни топиш зарур.



Шу билан бирга, сув ресурсларини тўплаш, бошқариш ва тақсимлаш масалаларида қўшни давлатлар билан келишган ҳолда ҳаракат қилиш лозим. Сув низолар манбаи эмас, балки одамлар ҳаётини яхшилашга хизмат қиладиган умумий ресурс бўлиши керак.

Мамлакатингизга сафарларим давомида халқингизнинг меҳнаткашлиги ва тадбиркорлиги менда катта таассурот қолдирган. Одамлар таваккал қилишдан қўрқмайди, кичик бўлса-да ўз бизнеси ёки ишлаб чиқариши бўйича ишбилармонлик қилишга интилади. Албатта, кичик бизнес йўналишини ривожлантириш халқни ва мамлакатни бой қилади.

Польша тажрибасидан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, мамлакат иқтисодиёти ривожида кичик ва ўрта корхоналар муҳим ўрин тутган. Шу боис, ҳар қандай турдаги ишлаб чиқариш ёки тадбиркорлик лойиҳасидан чўчимаслик керак.

— Ўзбекистон сўнгги ўн йиллик давомида халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга қатор ташаббусларни илгари сурди. Сизнингча, ушбу ташаббуслар халқаро ҳамжамият учун қанчалик аҳамиятга эга?

— Мен Марказий Осиёга оид бундай ташаббусларни жуда муҳим деб ҳисоблайман. Ҳозирги кунда дунё аввалгига нисбатан анча беқарор. Ана шундай шароитда Ўзбекистоннинг ҳамкорликка интилиши Ўзбекистоннинг Қозоғистон ва Марказий Осиёдаги бошқа қўшни давлатлар билан яхши муносабатларини ҳам алоҳида қадрлайман. Шунингдек, Ўзбекистоннинг мувозанатли ва барқарор ташқи сиёсати тўғри йўналишда деб ҳисоблайман. Чунки сиз барча глобал акторлар билан муносабатларни мустаҳкамлашга интиляпсиз ва бу — оқилона сиёсат.

Россия, Хитой ва АҚШ расмий Тошкент учун муҳим ҳамкор. Европа Иттифоқи билан имзоланган келишувлар жуда аҳамиятли. Шу боис, мувозанатли, барқарор ва узоқ муддатли ташқи сиёсат ҳақида тўхталганда, юртингизнинг тўғри қадамлар ташлаётганини алоҳида таъкидлаш керак.

— Сизнингча, Ўзбекистоннинг изчил ислоҳотлар тажрибаси қайси жиҳатлари бошқа давлатлар учун қизиқиш уйғотиши мумкин?

— Аввало, ислоҳотларни бошлашдан чўчимаслик зарур. Чунки кўп ҳолларда асосий муаммо — сиёсатчиларда “Ислоҳотларни бошласак, натижаси қандай бўлади?” деган хавотир уйғонади. Мавжуд қийинчиликларни тўғри англаш зарур ва мураккаб масалалар бўйича келишувларга эриша олиш қобилияти туфайли Марказий Осиёнинг барқарор минтақа бўлиб қолмоқда.

Бу айниқса муҳим, чунки биз Афғонистон билан бевосита чегарадош бўлган йирик ва мураккаб минтақа ҳақида сўз юритмоқдамиз. Ўзбекистон амалга ошираётган ишларни доим юқори баҳолаб келганман. Мамлакатнинг Қозоғистон ва Марказий Осиёдаги бошқа қўшни давлатлар билан яхши муносабатларини ҳам алоҳида қадрлайман. Шунингдек, Ўзбекистоннинг мувозанатли ва барқарор ташқи сиёсати тўғри йўналишда деб ҳисоблайман. Чунки сиз барча глобал акторлар билан муносабатларни мустаҳкамлашга интиляпсиз ва бу — оқилона сиёсат.

Россия, Хитой ва АҚШ расмий Тошкент учун муҳим ҳамкор. Европа Иттифоқи билан имзоланган келишувлар жуда аҳамиятли. Шу боис, мувозанатли, барқарор ва узоқ муддатли ташқи сиёсат ҳақида тўхталганда, юртингизнинг тўғри қадамлар ташлаётганини алоҳида таъкидлаш керак.

— Сизнингча, Ўзбекистоннинг изчил ислоҳотлар тажрибаси қайси жиҳатлари бошқа давлатлар учун қизиқиш уйғотиши мумкин?

— Аввало, ислоҳотларни бошлашдан чўчимаслик зарур. Чунки кўп ҳолларда асосий муаммо — сиёсатчиларда “Ислоҳотларни бошласак, натижаси қандай бўлади?” деган хавотир уйғонади. Мавжуд қийинчиликларни тўғри англаш зарур ва қувонарлиси, Ўзбекистон худди шундай йўлни тутмоқда.

Ёш жамиятда иш ўринларини кўпайтириш ва сифатли таълимга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу йўналишда олдинга ҳаракат қилиш керак. Дунё ва жаҳон иқтисодиёти ўзгармоқда. Шунинг учун замонавий тармоқларни тараққий эттириш зарур.

Экологик ва рақамли ечимларни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини янада рақобатбардош ва юқори қўшилган қийматга эга шаклга ўтказиш замон талабига айланган. Аввал ҳам айтганимдек, инсонлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш керак. Яъни кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш зарур бу — бугунги кунининг энг муҳим талабидир.

Ислоҳотлар самарадорлигини оширишда бюрократияни қисқартириш катта аҳамиятга эга. Чунки бюрократия мамлакат олдида турган муаммоларни бартараф этишда асосий тўсиқ бўлиши мумкин.

Ўзбекистондаги ислоҳотлар тажрибасидан кўплаб ижобий мисолларни олиш мумкин. Албатта, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари борлигини унутмаслик лозим. Бир мамлакат тажрибасини бошқа мамлакатга кўчириш кутилган натижани бермаслиги мумкин.

Бироқ тан олиш керак, бугунги Ўзбекистон ўзига хос лабораториядир. Уни кузатиш, ундан ўрганиш, мамлакатга келиш ва ижобий тажрибалардан унумли фойдаланиш зарур.


— Сўнгги йилларда Польша компанияларининг Ўзбекистонга қизиқиши сезиларли даражада ошганини кузатмоқдамиз. Бу, айниқса, энергетика, саноат, инфратузилма ва замонавий технологиялар каби соҳаларда яққол намоён бўлмоқда. Сизнингча, ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг қайси соҳаларида ҳали тўлиқ ишга солинмаган имкониятлар мавжуд?

— Дарҳақиқат, икки томонлама муносабатлар охирги пайтларда анча муваффақиятли кечмоқда. Мен экология соҳасидаги ҳамкорлик истиқболларига катта ишонч билан қарайман. Жумладан, Орол денгизи каби экологик жиҳатдан зарар кўрган ҳудудларни тиклаш, қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан янада самарали фойдаланиш, ирригация ва мелиорация тизимларини ривожлантириш муҳим йўналишлардир.

Польша инфратузилма қурилиши борасида катта тажрибага эга. Сўнгги йилларда мамлакатимизда автомобиль йўллари ва автомагистраллар қурилиши жадал кечмоқда. Бу борада Польша корхоналари Ўзбекистондаги турли инфратузилмавий лойиҳаларда иштирок этиши мумкин.

Польша фармацевтика соҳасини фаол тарзда ривожлантирмоқда. Бу ўзаро ҳамкорлик учун муҳим йўналиш саналади. Польша аҳолисининг қарийб 40 миллион эканини инобатга олиб, туризм йўналишида ҳам алоқаларни ривожлантириш истиқболлидир.

Афсуски, Ўзбекистон кўплаб поляклар учун ҳали етарлича таниш эмас. Ҳозир Варшавадан Ўзбекистонга тўғридан тўғри авиақатнов мавжуд ва парвоз ҳам унчалик кўп вақт олмайди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хивани зиёрат қилиш ҳар қандай сайёҳда катта таассурот қолдиради.



Польша ва Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш даврини муваффақият билан босиб ўтган. Биз ғоялар, лойиҳалар ва ёндашувлар нуқтаи назаридан бир-биримизга кўп нарса таклиф қила оламиз. Шу боис, ҳукуматлараро алоқалар, олий даражадаги мулоқотларни изчил ривожлантиришни қатъий қўллаб-қувватлайман.

Шунингдек, Польшада амалга оширилаётган ислоҳот ва бошқарув ечимлари Ўзбекистон томони учун ҳам қизиқарли бўлмоқда. Хусусан, Польшада давлат бошқарувига қизиқиш билдирган делегацияларни қабул қилдик. Бу борада ўз тажрибамиз билан ўртоқлашишга доим тайёрмиз.

Польша ва Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш даврини муваффақият билан босиб ўтган. Биз ғоялар, лойиҳалар ва ёндашувлар нуқтаи назаридан бир-биримизга кўп нарса таклиф қила оламиз. Шу боис, ҳукуматлараро алоқалар, олий даражадаги мулоқотларни изчил ривожлантиришни қатъий қўллаб-қувватлайман.

— Янги Ўзбекистон ислоҳотлари бошланганининг 10 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз раҳбарияти ва халқига тилакларингиз.

— Ўзбекистон тўғри йўлдан бормоқда. Сўнгги 10 йил муваффақиятли кечди ва бу давр ичида ёркин келажак учун мустаҳкам замин яратилди. Энди ушбу йўлни давом эттириш ва халқаро майдондаги ҳозирги мураккаб вазиятда қатъият кўрсатиш керак.

Польшада 1990-йилларнинг ўрталарида катта ислоҳотларни бошлаганимизда халқаро муҳит нисбатан барқарор ва қулай эди. Бугун эса халқаро майдондаги вазият бутунлай ўзгача. Шу боис, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига куч-ғайрат, тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ўзбекистон бугунги сиёсатида давом этса, у Марказий Осиё, умуман, жаҳон миқёсида қудратли мамлакатлардан бирига айланади.

Ана шу йўлда изчил ҳаракат қилишингизга тилакдошман.

“Дунё” АА

Варшава шаҳри



Халқаро эътироф

ЖАҲОН БАНКИ ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИ КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИШ ВА ФАРОВОНЛИККА ЭРИШИШ ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЮКСАК БАҲОЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Жаҳон банкининг “Ўзбекистонда камбағаллик ва тенгликни баҳолаш: фаровонликка эришиш ва барча учун имкониятларни кенгайтириш сари” ҳисоботи шу нуқтаи назардан мамлакатдаги иқтисодий жараёнларга кенгроқ назар ташлаш имконини беради.

2021-2025 йилларда қарийб 3,7 миллион одамнинг камбағалликдан чиққани ҳақида ўқир эканмиз, бу рақамни бир лаҳза статистик ҳисобот саҳифасидан олиб, инсон ҳаёти мезонига қўйиб кўриш мумкин. Кечаги “бугунни қандай ўтказаман?” деган ташвиш аста-секин “эртага қандай яшайман?” деган режага айланаётганини тасаввур қиламиз. Аслида, камбағалликдан чиқишнинг моҳияти ҳам шунда. Инсоннинг бугунги даромади кўпайиши билан чекланмайди, унинг эртанги имкониятлари кенгайиб боради. Қайси касбни танлаш, қаерда ишлаш, фарзандига қандай таълим бериш, уй-жой шароитини яхшилаш, соғлиғи ва келажаги учун маблағ ажратиш каби қарорларнинг барчаси иқтисодий имкониятлар билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун камбағалликдан чиқишни фоизнинг камайиши билан бирга инсоннинг имкониятлари кенгайиши сифатида ҳам англаш зарур.

Ҳисоботдаги яна бир муҳим жиҳат — ўрта қатламнинг кўпайиши. 2021 йилда Ўзбекистон аҳолисининг 37 фоизи ўрта қатламга мансуб бўлган, 2025 йилга келиб эса бу кўрсаткич 72 фоиздан ошган. Бу рақамни ҳам фақат иқтисодий кўрсаткич сифатида қабул қилиш камлик қилади. Чунки ўрта қатламнинг кенгайиши жамиятдаги ҳаёт тарзининг ўзгаришини ҳам англатади. Даромади нисбатан барқарор инсон эртанги куни ҳақида режа қила олади. Фарзандининг таълимига маблағ ажратади. Касбий малакасини ошириш ҳақида ўйлайди. Уй-жойини яхшилаш ёки тадбиркорликни бошлаш имкониятларини кўриб чиқади. Яъни инсоннинг тафаккуридаги “тирик қолиш” эҳтиёжи аста-секин “ривожланиш” заруратига ўрин бўшатади. Жамиятда ўрта қатлам қанча кўпайса, одамларнинг ўз келажагига таъсир кўрсатиш имконияти ҳам шунча ортиб боради.

Камбағаллик географиясидаги ўзгариш ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Илгари камбағаллик ҳақида гап кетса, тасаввуримизда, аввало, қишлоқ, олис ҳудуд, имконияти чекланган маҳаллалар гавдаланар эди. Бугунги рақамлар эса бу тасаввурни ўзгартирмоқда. Қишлоқ ва шаҳарлардаги камбағаллик даражаси ўртасидаги фарқ 2021 йилдаги 5,9 фоиздан 2025 йилда 1,2 фоизгача қисқарган. Бу ўзгаришларнинг аҳамияти пойтахт ва йирик шаҳарлардан тортиб, энг чекка ҳудуддаги оддий хонадон ҳаётигача етиб бораётгани билан баҳоланади. Агар имкониятлар фақат марказларда тўпланиб қолса, иқтисодий ўсиш жамиятнинг барча қатламига бирдек таъсир кўрсатмайди. Шу нуқтаи назардан, қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги камбағаллик тафовутининг қисқариши имкониятлар географияси кенгаяётганининг муҳим белгисидир.

Ижтимоий кўмак муҳтож инсонга қийин вазиятда вақтинчалик мадад бўлиши мумкин. Бироқ оилани узоқ муддатли камбағалликдан олиб чиқадиган асосий куч билим ва касб орқали топиладиган муносиб даромаддир. Бугун давлат сиёсатида одамларга балиқ эмас, қармоқ берилмоқда. Натижада кам таъминланган хонадонларда эркакларнинг маошли иш билан бандлик улуши 2022 йилдаги 18 фоиздан 2025 йилда 46 фоизга етди. Эҳтиёжманд қатламнинг йиллик реал иш ҳақи 11-12 фоиз ошгани мазкур ислоҳотларнинг аҳоли ҳаётига ижобий таъсирини ифодалайди. Тизимли кўмак инсонни мустақилликка етаклаши лозим. Камбағалликка қарши курашнинг энг тўғри йўли ҳам айнан фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратишдир.



Мазкур имкониятлар эшиги очилиши натижасида 2019-2024 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг 44 фоизи юқори иқтисодий тоифага ўтди. Кимдир доимий иш ўрнига эга бўлди, кимдир замонавий касб-ҳунар эгаллади, яна кимдир оилавий тадбиркорлик орқали янги даромад манбаини яратди. Кечагина кундалик рўзғор харажатини амаллаб топаётган оилалар бугун фарзандларининг сифатли таълим олиши ёки уй-жой шароитини яхшилаш ҳақида узоқ муддатли режалар туза бошлади. Иқтисодий ҳаракатчанликнинг энг сезиларли ютуғи ҳам айнан одамлар дунёқараши ва ҳаёт даражасининг сифат жиҳатидан ўзгаришида кўринади.

Шунингдек, иқтисодий зинанинг юқори поғонасига чиқиш билан мақсад мукаммал бўлиб қолмайди. Юксалиш суръатини сақлаб қолиш ва эришилган даромадларни муҳофаза қилиш навбатдаги муҳим вазифадир. Меҳнат бозорида талаблар тез ўзгараётган, янги касблар пайдо бўлаётган ҳозирги шароитда иш жойининг барқарорлиги ва мутахассиснинг малакаси биринчи ўринга чиқди. Бугунги фаровонлик эртанги янги эҳтиёжлар олдида камлик қилмаслиги учун давлат томонидан узлуксиз касбга ўқитиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими изчил давом эттирилмоқда.

Жаҳон банкининг ҳисоботидаги рақамлар мана шу тизимли занжирнинг узвий қисмларидир. Унда акс этган кўрсаткичлар қуруқ статистика эмас. Камбағаллик қисқариши, ўрта қатлам кўпайиши, қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги тафовут камайиши ортида миллионлаб юртдошларимизнинг ўзгарган тақдири, янги иш ўринлари ва рўёбга чиққан умидлари турибди.

Эришилган ижобий кўрсаткичлар тизимли янгиланишлар тўғри стратегик йўналишда олиб борилаётганини тасдиқлайди. Вақт ўтиши билан статистика жадвалларидаги миллионлаб рақамлар ва фоизлар оддий, аммо фаровон ҳаёт манзараларига айланиши муқаррар. Зеро, ислоҳотларнинг асл муваффақияти қуруқ ҳисоботларда акс этмайди. Улар юртдошларимизнинг эртанги кунга қатъий ишончи, хонадонлар баракаси, шинам уй-жойлар ҳамда фарзандларимизнинг сифатли таълими ва порлоқ истиқболида ўз ифодасини топади.

Сардор ТОЛЛИБОЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги географик ўрни, ишлаб чиқариш салоҳияти ва аграр маҳсулотлар хилма-хиллиги Сербия билан ҳамкорликни нафақат икки томонлама савдо, балки Европа бозорларига чиқиш учун муҳим кўприкка айлантириши мумкин.



Қишлоқ хўжалиги: ДУНЁ БОЗОРЛАРИГА ОЧИЛАЁТГАН ЙЎЛ

Таҳлил

Бугунги глобаллашаётган дунё иқтисодиётида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, барқарор агротехнологияларни жорий этиш ҳамда самарали экспорт занжирларини шакллантириш ҳар бир давлатнинг стратегик вазифасига айланмоқда. Қишлоқ хўжалиги эндиликда фақатгина аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайдиган тармоқ эмас, балки иқтисодий ўсиш, бандлик, ҳудудлар ривожи, ташқи савдо ва инвестициявий фаолликни белгиловчи муҳим омиллардан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Шу боис, аграр соҳада ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан бирга маҳсулотни қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш, сертификатлаш ва халқаро бозорга олиб чиқиш масалалари ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Сўнгги йиллардаги фаол, очиқ ва прагматик ташқи сиёсат натижасида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги сектори трансформация жараёнини бошдан кечирмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг ўрни, аввало, унинг кўплаб тармоқлар учун хомашё етказиб бериши, миллионлаб инсонлар бандлигини таъминлаши ва озиқ-овқат бозорларининг барқарор ишлашига хизмат қилиши билан белгиланади. Аграр тармоқдаги ўзгаришлар саноат, транспорт, логистика, савдо, хизмат кўрсатиш, молия ва илм-фан ривожига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Замонавий шароитда қишлоқ хўжалигининг рақобатбардошлиги ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, иқлим ўзгаришларига мослашиш, рақамли технологияларни қўллаш ҳамда юқори қўшилган қиймат яратиш даражаси билан ўлчанмоқда.

Халқаро ҳамкорлик аграр соҳа учун янги бозорларни очиш билангина чекланмайди. У илғор тажрибаларни ўрганиш, замонавий технологияларни жалб этиш, илмий тадқиқот алоқаларини мустаҳкамлаш, мутахассислар малакасини ошириш, инвестицияларни кўпайтириш ва миллий маҳсулотларни халқаро стандартларга мослаштириш учун ҳам муҳим воситадир. Ҳамкор мамлакатлар билан йўлга қўйиладиган тизимли муносабатлар натижасида маҳаллий ишлаб чиқарувчи нафақат маҳсулот сотиш, балки янги билим, технология ва бошқарув тажрибасига эга бўлиш имкониятини қўлга киритади.

Ҳозир Ўзбекистон 180 дан ортиқ давлат билан фаол савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни йўлга қўйган. 30 дан ортиқ мамлакатга олий даражадаги расмий ва давлат ташрифлари амалга оширилди. Юритилаётган изчил дипломатик саъй-ҳаракатлар натижасида юртимизнинг умумий ташқи савдо айланмаси 81,2 миллиард доллардан ошди. Жами хорижий инвестиция ҳажми эса 43,1 миллиард долларга етди.

Бундай очиқлик қишлоқ хўжалиги учун ҳам янги имкониятлар яратмоқда: экспорт географиясини кенгайтириш, хорижий ҳамкорлар билан қўшма лойиҳаларни рўёбга чиқариш, замонавий ускуналар олиб кириш ва маҳаллий маҳсулотларнинг қўшилган қийматини ошириш учун мустаҳкам замин шакланмоқда. Энг муҳими, халқаро ҳамкорлик орқали Ўзбекистон агробизнеси жаҳон бозоридаги талаб ва тенденцияларни чуқурроқ ўрганиш, харидорлар эҳтиёжига мос маҳсулот етиштириш ҳамда узоқ муддатли савдо алоқаларини йўлга қўйиш имкониятига эга бўлмоқда.



Шамшод ЭРГАШЕВ,
Қишлоқ хўжалиги вазири котибияти бошлиғи

Айниқса, тарихда илк бор расмий ташрифлар амалга оширилган давлатлар билан йўлга қўйилаётган янги муносабатлар Ўзбекистон агробизнеси учун Европа ва Жанубий-шарқий Осиёнинг йирик бозорларига тўғридан тўғри йўл очмоқда. Биргина Сербия ва Малайзия мисолида илк расмий ташрифлар амалга оширилиб, Ўзбекистон учун барча соҳаларни ҳамкорликда ривожлантириш ва кенгайтиришда катта қадам бўлганини эслаш кифоя.

Сербия билан ҳамкорлик

Жорий йилнинг 7-8 сентябрь кунлари Президентимизнинг Сербияга олий даражадаги илк расмий ташрифи ҳамда Белград шаҳрида ўтказилган бизнес-форум икки мамлакат иқтисодий муносабатларида янги саҳифа очди. Бизнес-форумда Сербия Президенти Александр Вучич таъкидлаганидек, дунёда иқтисодий ўсиш марказлари ўзгарди ва Ўзбекистон каби жадал ривожланаётган, узоқ муддатли стратегияга эга давлатлар билан ҳамкорлик Европа учун стратегик аҳамиятга эга.

Мазкур фикр икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг иқтисодий мазмунини яққол ифодалайди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги географик ўрни, ишлаб чиқариш салоҳияти ва аграр маҳсулотлар хилма-хиллиги Сербия билан ҳамкорликни нафақат икки томонлама савдо, балки Европа бозорларига чиқиш учун муҳим кўприкка айлантириши мумкин. Сербиянинг Европа бозорларига интеграциялашган иқтисодий маконда фаолият юритиши эса ўзбек тадбиркорлари учун маҳсулот сифати, логистика, сертификатлаш ва савдо амалиётларини ўрганишда қўшимча имкониятлар яратади.

Сербия раҳбари Ўзбекистон Президентининг ислоҳотларга бўлган қатъиятини юқори баҳолаб: **“Ўзбекистон Президентининг кўзларида “йўлбарс нигоҳи” бор. Бу — муваффақиятга чанқоқ, интилувчан, ўз халқининг ҳар бир фуқароси ва ҳар бир муаммоси ҳақида қайғуради деганидир. Қайси соҳага назар ташламай, Ўзбекистон қанчалик олдинга илдамлаётганини кўрдим”,** дея алоҳида эътироф этди.

Ушбу таъриф чуқур маънога эга ва ижобий натижалар маҳсули бўлиб, келгусида ҳамкорликни янада кенгайтириш ва инвестиция жалб қилишда муҳим ўрин тутади. Сиёсий мулоқотнинг юқори даражада йўлга қўйилиши иқтисодий лойиҳалар учун зарур бўлган ишонч муҳитини мустаҳкамлайди. Айниқса, қишлоқ хўжалигида узоқ муддатли инвестициялар, илмий ҳамкорлик ва технологик лойиҳалар талаб этилиши ҳисобга олинса, бундай ишончли муносабатлар аҳамияти янада ортади.

Сербия Европа Иттифоқи стандартларига тўлиқ мос келувчи интенсив боғдорчилик, уруғчилик ва биотехнологиялар бўйича катта тажрибага эга. Ушбу технологиялар жорий этилиши маҳсулотларимизни Global G.A.P., Organic ва ISO стандартларига мослаштиради. Бу эса халқаро бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларимизни сотиш ва рақобатлашиш учун катта имконият яратади.

Бу йўналишларнинг ҳар бири Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун амалий аҳамиятга эга. Интенсив боғдорчилик ҳосилдорликни ошириш, мева сифати ва экспортбоплигини яхшилашга хизмат қилса, замонавий уруғчилик юқори ҳосилли, касаллик ва иқлим шароитларига мос навларни кенгайтириш имконини беради. Биотехнологиялар эса ўсимликларни ҳимоя қилиш, кўчат етиштириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва маҳсулотнинг биологик сифат кўрсаткичларини яхшилашда муҳим восита бўла олади.



Global G.A.P., Organic ва ISO каби стандартлар маҳсулотнинг фақат ташқи кўриниши ёки таъми эмас, балки уни етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва етказиб бериш жараёнлари изчиллигини ҳам назорат қилади. Шу сабабли халқаро стандартларни жорий этиш экспортчи корхоналар учун янги бозорлар эшигини очиш билан бирга ички ишлаб чиқариш маданиятини ҳам юксалтиради. Бу жараёнда фермер, қайта ишловчи корхона, лаборатория, логистика компанияси ва экспортчи ўртасидаги ҳамкорлик ягона тизим сифатида шаклланиши зарур.

“Давлат — давлатга” (G2G) тамойили асосидаги лойиҳаларни соддалаштирувчи битимлар тузилди ва келгусида эркин савдо тўғрисида битим имзолаш бўйича келишувларга эришилди. Бу ўзбек агротадбиркорлари ва ишлаб чиқарувчиларининг Европа ҳамда Болқон минтақаси бозорларига божхона имтиёзлари билан чиқишини таъминлайди. Бундан ташқари, Тошкент ва Белград ўртасида тўғридан тўғри авиақатновлар йўлга қўйилиши тез бузилувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари логистикасини енгиллаштиради. Бу нафақат экспортни оширади, балки Европадан импорт қилинадиган маҳсулотлар ҳамда тропик мевалар нархи арзонлашишига ҳам олиб келади.

Савдо тартиб-таомиллари соддалашуви ва транспорт алоқалари яхшиланиши, айниқса, тез бузилувчи маҳсулотлар учун муҳимдир. Мева-сабзавот, кўкатлар, янги ва қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида вақт омили ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Маҳсулотнинг даладан истеъмолчигача бўлган йўли қисқаргани сари унинг сифати, сақланиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги ошади. Шу маънода, тўғридан тўғри авиақатновлар ва савдо каналлари нафақат экспорт ҳажмига, балки маҳсулотнинг якуний нархи ва рақобатбардошлигига ҳам таъсир кўрсатади.

Осиёда янги агройўлаклар

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 4-5 февраль кунлари Малайзияга тарихий ташрифи ва Бош вазир Анвар Иброҳим иштирокида Куала-Лумпурда ўтказилган қўшма бизнес-форум ўзаро товар айирбошлашни каррасига оширишга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 102,4 миллион долларни ташкил этаётган бўлса, имзоланган янги келишувлар ва саноат кооперацияси дастури ушбу кўрсаткични яқин йилларда бир неча баробар ошириш имконини беради.

Малайзия билан ҳамкорлик Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун географик жиҳатдан янги, иқтисодий жиҳатдан эса истиқболли йўналишдир. Жанубий-шарқий Осиё бозорлари озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишланган агромаҳсулотлар, ҳалол сертификатланган товарлар ва замонавий агротехнологияларга бўлган талаб билан ажралиб туради. Ушбу ҳудуд билан ҳамкорлик ўзбек ишлаб чиқарувчиларига янги харидорлар, янги савдо каналлари ва янги маҳсулот форматларини ўзлаштириш имконини беради.

Халқаро ҳамкорликнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у бир томонлама экспортдан кўра кенгроқ иқтисодий алоқаларни шакллантиради. Яъни Ўзбекистон маҳсулотларини Малайзия бозорига олиб чиқиш билан бирга малайзиялик компанияларнинг технологик, илмий ва инвестициявий тажрибасини мамлакатимизга жалб этиш, қўшма корхоналар ташкил қилиш ва маҳаллийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш учун ҳам имконият пайдо бўлади. Бундай ёндашув аграр соҳада ишлаб чиқаришнинг янги босқичини яратишга хизмат қилади.

Олий даражадаги келишувларнинг амалий самараси ўлароқ, жорий йил 28 августдан 6 сентябрга қадар Малайзиянинг Селангор штатида ўтказилган нуфузли “MANA — 2026” (“Malaysia Agriculture, Horticulture and Agrotourism”) халқаро кўргазмасида Ўзбекистон тарихда илк бор миллий павильон билан иштирок этди. 130 гектар майдонда ўтган кўргазмада 2000 дан зиёд компания ва 14 давлат қатнашди. Ўзбекистон миллий павильонида 15 та маҳаллий тадбиркорлик субъекти томонидан 100 га яқин турдаги агромаҳсулотлар — ҳўл ва қуритилган мева, шарбатлар ҳамда миллий ширинликлар намойиш этилди. Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим шахсан павильонимизга ташриф буюриб, ўзбек маҳсулотларининг сифати ва рақобатбардошлигига юқори баҳо берди. Мазкур тадбир доирасида бир қанча келишувларга эришилди. Жумладан, Малайзия Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги вазирлигининг Тошкент шаҳар бўлими 2026 йил 31 декабрга қадар расмий ваколатхона сифатида очилади. MARDI институти базасида Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси тадқиқотчилари учун илмий-амалий стажировкалар йўлга қўйилади. FAMA агентлиги билан биргаликда Малайзия тарвуз, қовун ва сабзавотларини Ўзбекистонда етиштириш ҳамда уларни Жанубий-шарқий Осиёга экспорт қилиш амалиёти бошланади.

Тошкент вилоятида робототехника ва агродронлар ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилиб, 1000 та янги иш ўрни яратилади ҳамда 100 минг гектар майдонга рақамли хизмат кўрсатилади.

Қашқадарё вилоятида Малайзия компанияси билан ҳамкорликда замонавий сут етиштириш, қайта ишлаш ҳамда агротуризм мажмуаси барпо этилади. “Agro Best Holding International” компанияси билан 5 миллион АҚШ доллари қийматидаги савдо шартномаси имзоланди.

Шунингдек, Куала-Лумпур шаҳрида 200 дан ортиқ турдаги миллий маҳсулотларимиз намойиш этиладиган “Ўзбекистон маҳсулотлари” савдо уйи ташкил этилади.

Ўзбекистонда 2027 йил 2-5 ноябрь кунлари “Malayziya — O‘zbekiston International Halal Fest 2027” халқаро форум ва кўргазмасини ўтказиш бўйича расмий келишувга эришилди.

MARDI институти базасида илмий-амалий стажировкалар йўлга қўйилиши тадқиқотчилар учун янги билим ва тажриба мактабини яратади. Илмий муассасалар ўртасидаги алоқалар кучайгани сари маҳаллий шароитга мос агротехнологияларни синовдан ўтказиш, янги нав ва технологияларни ўрганиш, ишлаб чиқаришдаги муаммоларга илмий ечим топиш имкониятлари кенгаяди. Бу жараён қишлоқ хўжалигида илм-фан ва амалиёт интеграциясини кучайтириш учун муҳим омилдир.

FAMA агентлиги билан ҳамкорликда тарвуз, қовун ва сабзавотларни Ўзбекистонда етиштириш ҳамда уларни Жанубий-шарқий Осиёга экспорт қилиш амалиёти бошланиши маҳсулот етиштириш географияси ва бозор йўналишларини диверсификациялашга хизмат қилади. Бунда нафақат ҳосилдорлик, балки нав танлаш, маҳсулотни саралаш, қадоқлаш, сақлаш ва ташиш жараёнларини янги бозорлар талабига мослаштириш масалалари ҳам муҳим ўрин тутади.

Европадан Осиёгача бўлган ҳудудда янги ва барқарор агройўлаклар шаклланди. Яратилган ушбу улкан имкониятлар, дипломатик ва институционал пойдевор маҳаллий агротадбиркорларимиз жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлиши учун мустаҳкам замин яратди. Эндиги асосий вазифа мавжуд салоҳиятдан унумли фойдаланиб, миллий брендларимизни дунё миқёсида муносиб илгари суришдан иборатдир.

Зеро, жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллаш фақат маҳсулот ҳажмини ошириш билан эмас, балки сифати, хавфсизлиги, келиб чиқишининг шаффофлиги, етказиб бериш барқарорлиги ва истеъмолчи эҳтиёжига мослиги билан белгиланади. Ўзбекистоннинг табиий-иқлимий имкониятлари, меҳнатсевар деҳқон ва фермерлари, қайта ишлаш салоҳияти ҳамда халқаро ҳамкорликка очиқлиги ушбу мақсадга эришиш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Сербия ва Малайзия билан йўлга қўйилаётган янги муносабатлар эса ана шу салоҳиятни жаҳон иқтисодий маконига янада кенгроқ олиб чиқиш учун янги саҳифа очмоқда.

ТАШАББУС БОР ЖОЙИДА РИВОЖЛАНИШ БЎЛАДИ

Маҳалланинг бир куни

Барнохоннинг боши қотди. Турмуш ўртоғи ишсиз, кунлик топиб келгани рўзғор ками-кўстидан ортмайди. Бир томонда уч фарзанди бирин-кетин улғайиб келяпти. Оила катталашгани сайин ўй-ташвиш ҳам йириклашиб борар экан-да. Нима қилса яхши бўлади? Ана шу ўй-ташвиш билан маҳалла фуқаролар йиғини идораси эшигини тақиллатди...



Маҳалла раиси аёлни диққат билан эшитди. Мавжуд масалалар ечимида маҳалла томонидан берилиши мумкин бўлган имконият ва имтиёзлар ҳақида тушунтирди.

— Сизга бир таклиф бор, имтиёзли кредит олишингизга кўмаклашамиз. Томорқангиз бор, мол-қўй олиб боқишга шароитингиз яхши. Эр-хотин бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилсангиз, бирингиз икки бўлади.

Иш маҳалла раиси айтганидек бўлди. “Маҳалла еттилиги” тавсияси билан унга имтиёз асосида 10 миллион сўм берилди. Оила бу пулдан мақсадли фойдаланиб, хўжалигида қўй боқишни бошлади. Маҳалла раиси ҳамроҳлигида мазкур хонадонда бўлдик.

— Имтиёзли кредит олганим яхши бўлди, — дейди Барнохон. — Эрта кўкламда тўрт бош қўзи олгандик, ҳозир ҳар бири катта қўчқор бўлди. Меҳнати ҳам оғир эмас. Кундалик топган пулим рўзғорга кетса, булар захира бойлик. Биттасини сотиб, кредитни ёпамиз. Қолганларини кўпайтирмоқчимиз, — дея ҳовли чеккасидаги қўра сари бошлади.

— Эҳ-ҳе, ҳар бири 5-6 миллионлик бўлиб қолибди-ю! Яшанг-э, — дея раиснинг юзига мамнунлик югурди. — Сизнинг ишингиз кўплар учун ибрат. Меҳнат қилинса, ҳар бир ишга астойдил киришилса, албатта, натижа беради.

Риштон тумани “Оқтомир” маҳалла фуқаролар йиғинида аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар янги ташаббусларга эшик очмоқда.

— Одамларимиз боқимандалик, лоқайдликдан ташаббускорликка, томорқадан каттароқ даромад олишга ўтяпти, — дейди маҳалла раиси Рустамжон Тошпўлатов. — Ҳудудимизнинг асосий драйвери боғдорчилик ва деҳқончилик. Томорқадан унумли фойдаланиш, янги иш тажрибаларини қўллаб-қувватлашга имкон қадар кўмаклашяпмиз.

Кейинги манзил томорқачи Абдумалик Мелибоев хонадони бўлди. Бу ерга кирган киши бир парча ер ҳам хазина эканига амин бўлади. Тўрт сотих иссиқхонада цитрус ўсимликлар, помидору бодринг баравж ривожланмоқда. Очиқ майдонларда қалампир, сабзи, картошка, бақлажон, қўйингки, рўзғорга нима керак бўлса, бор. Эҳтиёждан ортиғи бозорда сотилади. Ўтган йили томорқадан 30 миллион сўмдан ортиқ даромад кўтарибди.

Анваржон Исақов томорқасида ташкил қилган 5 сотих интенсив гилос боғи кўзни қувнатади. Бу йилги мавсумда 50 миллион сўмлик маҳсулот сотибди. Бундан ташқари, писта етиштириш ва уруғчиликни ҳам йўлга қўйган.

— Бугунгидек шароит, имкониятлар ҳеч қачон бўлмаган, — дейди Анваржон ака боғ оралаб. — Қишлоқ жойларда томорқачиликни ривожлантириш учун маблағ, кўчат, уруғ бериляпти. Яхши яшашни орзу қилган оила меҳнат ва изланишдан қочмаслиги керак. Баъзи жойларда бўш турган, қаровсиз томорқа ерларни кўрсам, юрагим ачишиб кетади. Шундай қулай шароитдан фойдаланмай, камбағал, ишсиз бўлиб яшаш уят. Сув муаммо эди, ечим топиб беришди. Мана шу уй-жой, тўкин ҳаёт, аввало, соҳа ривожи йўлида берилган имтиёз ва имкониятлар, меҳнатларимиз самараси, албатта.

Маҳаллада томорқада иссиқхона қуриш оммалашди. Бугунга қадар 50 га яқин хонадон шу соҳага ихтисослашди. Масалан, биринчилардан бўлиб бу ишнинг бошини тутган Иброҳимжон Ботиров иш тажрибаси кўпчиликка ибрат. У ҳар йили томорқадан икки-уч марта ҳосил олиб, 50-60 миллион сўм даромад қиляпти.

— Жорий йил бошидан буён иссиқхона қуриш ва чорва қилиш истагида бўлган ташаббускорларга 300 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилган, — дея суҳбатни давом эттирди маҳалла раиси. — Олинган даромад тўкинчилик, ташаббусларга замин яратмоқда. Қишлоғимизда янги ишлаб чиқариш цехлари ташкил қилинмоқда, ҳунармандлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш тармоқлари кенгайиб, қўшимча иш ўринлари яратиляпти. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида эски симёғочлар бетон таянч устунларга алмаштирилди, кабеллар, интернет тармоғи тортиляпти. Бу ишлар самарадорлигини оширишда маҳаллалар молиявий мустақиллиги қўл келяпти. Айниқса, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғи тушумларининг бир қисми маҳалла бюджетида қолаётгани ҳудудлар ободлигига ҳисса қўшмоқда. Янги йилдан бу миқдор янада оширилиши белгилаб берилди. Демак, имкониятлар янада кенгаяди.

Маҳалла аҳли ўзаро ҳамжиҳат бўлиб, кўплаб ижтимоий масалаларга ечим топмоқда. Жумладан, маҳалла “Ташаббусли бюджет”нинг 2025 ва 2026 йилги 1-мавсумларида ғолиб бўлди. Натижада 7,5 километрдан ортиқ ички йўл асфальт қилинди. Маҳаллада асфальтланмаган кўча, сув етиб бормаган хонадон қолмади, кўча чироқлари ўрнатилди. Тўғри, ҳали ечимини кутиб турган масалалар бор. Масалан, маҳалла кутубхонаси, ёшлар учун спорт зали, ўқув маркази, мини стадион қуриш, ариқларга лоток ўрнатиш каби лойиҳалар яқин истиқболдаги режалар ва ташаббуслар дастуридан ўрин олган.

— Ёшим етмишдан ошди, — дейди меҳнат фахрийси Акбарали Халилов. — Кейинги пайтларда маҳалламиз, оиламиз ҳаёт тарзида юз бераётган ўзгаришларни кўриб севинаман. Яқингача ойлик маош, пенсиямизни ололмай сарсон бўлардик. Ёғ, ун етишмаслиги билан боғлиқ ҳолатлар кечагидек ёдимизда. Бугунги фаровонликни кўринг! Ой тугаши билан пенсиямизни олиб келиб беришяпти. Дўконларда ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сероб. Ёзда чанг, қишда лой кўчатларимиз таъмирлаб берилди. Сал шамол турса, чироқ ўчарди. Минг шукр, ҳаммаси изга тушди.

Ташаббус бор жойда тараққиёт бўлади. Буни туман марказидан ўн беш чақирим олисдаги, 4500 дан ортиқ аҳоли умргузаронлик қилаётган Оқтомир маҳалласи мисолида кўришимиз мумкин.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бундан ўн йил муқаддам Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган эди. Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тамомила ўзгартириб юборган ва янги сифат босқичига олиб чиққан ушбу қонун доирасида жуда кўп ишлар қилинди. Жараён бугун ҳам изчил давом этмоқда. Ушбу қонуннинг аҳамияти ва ҳаётимиздаги ўрнини яққол тушуниш бу борада қисқа тарихий ракурс қилиш ва айрим саволларга жавоб беришни тақозо этади. Хуллас, қонун қабул қилинишига қандай ижтимоий зарурат бор эди? У ёшларга оид давлат сиёсатини қанчалик ўзгартира олди? Замон шиддати бу борада яна қандай бўшлиқларни тўлдиришни тақозо қилмоқда?



Абдухолиқ ТАШАНОВ,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи

2016 йилга қадар амалда бўлган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги илк қонун 1991 йил 20 ноябрда мамлакатимиз мустақилликка эришган илк ойларда қабул қилинган эди. Ўтган чорак аср давомида давлатчилик тизими, бозор иқтисодиёти шароити, ижтимоий тузилма ва ёшларнинг эҳтиёжи тубдан ўзгарди. 1991 йилги қонун кўпроқ декларатив хусусиятга эга бўлиб, янги даврнинг институционал ва ҳуқуқий талабларига жавоб бера олмай қолди. Бундан ташқари, мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил этгани ҳолда, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича тизимли механизмлар етарлича ишламас, ҳар йили меҳнат бозорига кириб келаётган юз минглаб битирувчилар, уларни барқарор иш ўринлари билан таъминлаш кўрсаткичи пастлигича қолаётганди. Демографик дивидендни иқтисодий ривожланиш омилига айлантириш ўрнига ёшлар бандлиги давлат учун жиддий ижтимоий-иқтисодий босим ва хавотир манбаига айланиб қолган эди.


Мана шу омиллар сабаб, ёшлар орасидаги яширин ва очиқ ишсизлик энг оғриқли нуқталардан бири бўлиб қолди. Чунки олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларининг диплом бўйича иш топиши мураккаб, касбий кўникмалар реал сектор талабларига мос келмасди. Натижада миллионлаб ёш фуқароларимиз чет элга арзон ишчи кучи сифатида чиқиб кетишга мажбур бўлди. Бу эса ижтимоий беқарорлик ва оилавий инқирозларни келтириб чиқарди. Устига-устак олий таълимга қамров даражаси атиги 9-10 фоиз атрофида сақланиб, ёшлар учун илмий ва касбий юксалиш имконияти жуда паст эди. Лицей ва коллежлар тизими кўп ҳолларда сифатли таълим ва реал касб бера олмас, квоталар чеклангани сабабли ёшларнинг аксарияти билим олиш ва ижтимоий мақомини кўтариш имкониятидан маҳрум бўлиб қолаверди. Ачинарли жиҳати, соҳада коррупциявий тўсиқлар ва тизимнинг ёпиқлиги иқтидорли ёшларнинг ижтимоий фаоллигини сўндириб, пессимистик кайфиятни кучайтираётган эди.

Бу даврга келиб, ёшлар тадбиркорлиги ва стартапларини молиявий рағбатлантириш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ёки ер бериш борасида аниқ ҳуқуқий кафолатлар ҳам йўқ эди. Банк тизими ёшлар учун гаровсиз ёки енгиллаштирилган механизмларни таклиф қилмасди. Бу эса ташаббускор ёшларнинг бизнес ғоялари ва иқтисодий фаолият субъекти сифатида шаклланишига тўсқинлик қиларди. Бундан ташқари, ногиронлиги бор, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган ёки тарбия муассасаларидан қайтган ёшларни реинтеграция қилиш бўйича давлат даражасида аниқ концептуал тизим йўқ эди. Ижтимоий ёрдам тарқоқ ва мавсумий хусусият касб этиб, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, турар жой ва муносиб иш билан таъминлашнинг комплекс ҳуқуқий базаси мавжуд эмасди.



Камолот пиллапояси

ЁШЛАР – ДАВЛАТНИ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРУВЧИ АСОСИЙ КУЧ



2016 йил кузида Ўзбекистонда давлат бошқарувининг янги босқичи бошланди. Мамлакатнинг янги раҳбарияти энди ёшларни шунчаки тарбияланувчи ёки ижтимоий ёрдам олувчи пассив объект эмас, балки ислоҳотларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва стратегик ресурси сифатида тан олди. Янги сиёсий ирода ва модернизация стратегиясини амалга ошириш учун ёшларга қаратилган муносабатни тубдан янгилаш ва буни қонун даражасида мустаҳкамлаш энг биринчи галдаги устувор вазифага айланди. Қонуннинг қабул қилиниши янги сиёсий даврда имзоланган энг биринчи муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, соҳадаги барча бўшлиқни тизимлаштиришга хизмат қилди.

Агар олдинги ҳужжатда ёшлар масаласи кўпроқ умумий шиорлар ва қоғоздаги баённотлар даражасида қолган бўлса, янги қонун ёш авлодга муносабатни тубдан ўзгартириб, уларни жамиятнинг шунчаки қўллаб-қувватланувчи қатлами эмас, балки давлатни ҳаракатга келтирувчи асосий куч ва тўлақонли ижтимоий шерик сифатида эътироф этди. Қонуннинг энг муҳим юридик янгиликларидан бири ёшлар масаласига аниқ ҳуқуқий таъриф берилгани бўлди. Ҳужжат билан 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслар расман ёш фуқаролар тоифасига киритилди, “ёш оила” ва “ёш мутахассис” каби муҳим тушунчалар қонун даражасида мустаҳкамланди. Бу шунчаки чегара эмас, балки давлат томонидан бериладиган имтиёзлар, уй-жой субсидиялари, таълим кредитлари ва касбий қўллаб-қувватлаш айнан кимларга қаратилиши кераклигини кўрсатувчи аниқ дастурдир.

Авваллари ёшлар муаммоси кўпинча битта жамоат ташкилотининг зиммасига юклаб қўйилар, вазирлик ва ҳокимликлар эса бунга иккинчи даражали иш сифатида қararди. Мазкур қонун ёшлар сиёсатини амалга оширувчи давлат органларининг ваколатларини очиқ-ойдин тақсимлаб берди. Вазирлар Маҳкамасидан тортиб, маҳаллий ҳокимликларгача, таълим ва соғлиқни сақлашдан меҳнат органларигача — барча давлат идораларининг ёшлар олдидаги аниқ мажбуриятлари қонунан муҳрланди ва бу соҳада вертикал жавобгарлик тизими ишлаб чиқилди. Қонуннинг ижтимоий аҳамияти шунда эдики, у қуруқ ваъдалар эмас, балки ёшларнинг кундалик ҳаётидаги энг долзарб муаммоларни ҳал этишга йўналтирилди. Унда битирувчиларни иш билан таъминлаш, ёшлар тадбиркорлиги ва стартапларига имтиёзли кредитлар ажратиш, уй-жойга муҳтож ёш оилаларни субсидиялаш механизмлари илк бор мустаҳкам ҳуқуқий кафолатланди. Шунингдек, етимлар, ногиронлиги бор ва оғир ижтимоий шароитга тушиб қолган ёшларни давлат қарамоғига олиш, жамиятга тўсиқларсиз мослаштириш тизими қонуний асосланди.

Қонун мамлакатимизнинг ёшлари ҳаётида ўзгаришларни бошлаб берди десак, хато бўлмайди. Жумладан, айнан ушбу ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингач, соҳадаги энг биринчи катта ўзгариш бошқарув тизимида юз берди. Яъни илгари фақат жамоат ташкилоти бўлган “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати тугатилиб, аввал Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, 2020 йилда эса бевосита вазирлик мақомига эга Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилди. Бу билан ёшлар масаласи шунчаки концерт ёки мажлислар мавзуси бўлмай, ваколати, бюджети ва ҳукумат даражасида аниқ жавобгарлиги бўлган вертикал давлат сиёсатига айланди. Маҳаллаларда эса 9000 дан зиёд ёшлар етакчиси таъсис этилиб, муаммолар қуйида ҳал қилинмоқда.

Ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган йилларда олий таълимга кириш ҳақиқий муаммо бўлиб, мактаб ва коллеж битирувчиларининг атиги 9 фоизи талаба бўларди. Бугунга келиб бу кўрсаткич қарийб 40-42 фоизга етди. Давлат ва нодавлат ОТМлар сони икки юздан ошди. Хорижнинг нуфузли университетлари филиали очилди. Қизларнинг магистратурада ўқиши учун шартнома пули давлат бюджетидан тўлаб берилиши, хотин-қизларга ажратилган алоҳида давлат грантлари минглаб оилалар ҳаётини тубдан ўзгартирди. “Эл-юрт умиди” жамғармаси тубдан қайта ташкил этилиши туфайли минглаб ўзбекистонлик иқтидорли ёшлар Оксфорд, Кембриж, Гарвард, Колумбия каби нуфузли олийгоҳларга тўлиқ давлат гранти асосида ўқишга юборилди. Ёшларнинг халқаро тил ва касбий сертификатлари (IELTS, TOEFL, SAT ва бошқалар) учун тўлаган имтиҳон харажати агентлик томонидан тўлиқ қоплаб берила бошланди.

Илгари ишсиз ёшлар аниқ ҳисобга олинмас, муаммолар умумий ҳисоботлар ортида кўмилиб кетар эди. Қонун белгилаб берган ижтимоий кафолатлар замирида “Ёшлар дафтари” тизими яратилди. Мазкур механизм орқали миллионлаб эҳтиёжманд йигит-қизларга тикув машиналари, пайвандлаш ва компьютер ускуналари субсидия асосида бепул берилди. Даволаниш харажати қопланди ва контракт пули тўлаб берилди. “Бир миллион дастурчи” каби лойиҳалар орқали чекка қишлоқлардаги минглаб ёшлар АТ соҳасига кириб келиб, масофадан туриб даромад топа бошлади. Қонуннинг энг сезиларли натижаларидан бири ёшларнинг бизнесга эркин кириб келиши бўлди. “Ёшлар — келажагимиз” жамғармаси ва микромолия ташкилотлари орқали минглаб ёш тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратилди. Қишлоқ жойларда эса ишсиз ёшларга деҳқончилик қилиши учун 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдони узоқ муддатга ажратиб берилди. Бу чоралар туфайли ёшлар ишли бўлиш баробарида тенгдошлари учун ҳам янги иш ўринлари очди.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича йўлга қўйилган “Беш ташаббус олимпиадаси” умуммиллий даражадаги ҳаракатга айланиб, кўчадан тортиб, республика босқичигача миллионлаб ёшларни маданият, китобхонлик, санъат ва миллий спорт турлари атрофида бирлаштирди. Мактаблар ва маҳаллаларда “Заковат” интеллектуал ўйинлари кенг ёйилди. “Ёш китобхон” танлови ғолибларига Президент совғаси топширилиши билим олишни жамиятда нуфузли ва қадрли трендга айлантирди. Ёшлар спортда ва илмда жаҳон саҳнасида Ўзбекистон номини юқори поғоналарга олиб чиқди. Олимпия ўйинларида тарихдаги энг яхши натижалар қайд этилди. Энг асосийси, ёшлар давлат бошқаруви ва қонун ижодкорлигида иштирок этмоқда. Парламент негизида Ёшлар парламенти тузилди. Янги таҳрирдаги Конституцияга ёшлар ҳуқуқлари бўйича алоҳида моддалар киритилди ҳамда ёш раҳбар кадрлар вазир ўринбосарлари, ҳоким ўринбосарлари ва депутатлик лавозимларига ишонч билан тайинлана бошлади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг сўнгги ўн йиллиги юртдошларимиз ҳаётида жуда катта ўзгаришлар даври бўлди. Халқимиз миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Бу босқичнинг мантиғи янги даврга муносиб ўзгаришлар, мукаммал қонунлар ва ислоҳотларни талаб қилади. Шунингдек, замон талаби бўлган глобаллашув ва рақамлашув ҳам қонунларимизни янада такомиллаштириш, замон шиддатига мослашув заруратини талаб қилмоқда. Масалан, ёш мутахассисларни ишга олиш ёки ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўп жиҳатдан иш берувчининг ихтиёрига ташлаб қўйилган.

Дунё ва жамият кескин ўзгарди, яъни сунъий интеллект, рақамли иқтисодиёт, кибержиноятчилик ва ёшларнинг руҳий саломатлиги каби бугунги авлод дуч келаётган янги масалаларни қонунчилигимизда акс эттириш зарур.

Бугун дунёда инсониятнинг ўртача умр кўриш давомийлиги ҳам ортиб бориши 14 дан 30 ёшгача бўлган чегарани кўплаб ривожланган давлатлардагидек (35 ёшгача) замонавий демографик ўзгаришлар билан қайта кўриб чиқиш заруратини вужудга келтирмоқда. Ёшлар билан боғлиқ қонунчилигимизнинг амалий ижро механизмларида, хусусан, “Ёшлар дафтари” ва маҳаллий дастурларда ёрдамни нотўғри тушуниш муаммоси мавжуд. Аксарият ҳолларда иш ёшларга бепул ускуна ёки бир марталик моддий ёрдам бериш билан чекланиб қоляпти. Уларнинг мустақил оёққа туришини таъминловчи мониторинг тизими оқсамоқда. Масалан, субсидияга тикув машинаси ёки моноблок олган ёшлар бир неча ойдан сўнг уни сотиб юбориши ёки ундан фойдаланмаслиги ҳолатлари учраб туради. Бу эса ёшларда муаммоларни фақат давлат ёрдами билан ҳал қилиш кайфиятини ҳам кучайтириб, уларни ҳақиқий бозор рақобатига тайёрлашга халал бермоқда.

Ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозимининг жорий этилиши жуда илғор ташаббус бўлган эди, бироқ амалиётда уларнинг фаолияти бюрократия ва қоғозбозликка кўмилиб қолди. Етакчилар ёшлар билан жонли мулоқот қилиш ва уларнинг муаммоларини ҳал этиш ўрнига кун бўйи турли платформаларда ҳисобот тўлдириш, маҳалла раиси ёки ҳокимликнинг бошқа юмушларини бажариш билан банд бўлиб қолмоқда. Натижада маҳалладаги оғир тоифага мансуб қатлам — чет элда ишлаб юрган мигрантлар, жазони ўтаб қайтганлар ёки реал ёрдамга муҳтож, лекин мурожаат қилмайдиган ёшлар назардан четда қолиб кетмоқда. Ишлар эса кўпинча чиройли рақамлар учун қилинмоқда. Бу муаммоларнинг ҳам қонуний ечимини ҳал қилиш лозим.

Олийгоҳларга қамров кескин ошганига қарамай, таълим сифати ва реал иқтисодиёт эҳтиёжи ўртасидаги жарлик сақланиб қолмоқда. Йилига юз минглаб ёшлар қўлига диплом олаётган бўлса-да, корхоналар ва хусусий секторда малакали кадрлар тақчиллиги давом этмоқда. Дипломли мутахассисларнинг курьерлик, таксичилик қилиши ёки мардикор бозорига чиқиши одатий ҳолга айланди. Қонунларимизда назарда тутилган “касбга йўналтириш” ва “битирувчиларни кафолатли иш билан таъминлаш” механизмлари таълим муассасалари билан иш берувчилар ўртасида мустаҳкам кўприк бўла олмаяпти. Бу эса миллионлаб ёшларни ҳамон ташқи меҳнат миграциясига суянишга мажбур қилмоқда.

Аслида, ҳар бир қонун ҳужжати, ҳар бир қарор ҳамда унда белгиланган нормалар ва вазифалар қоғоздаги бандлардан чиқиб, тўлиқ кучга кириши миллионлаб йигит-қизларнинг ҳаётини тубдан ўзгартира олади. Улар шунчаки “келажак умиди” бўлишдан тўхтаб, бугуннинг ҳақиқий ҳаракатлантирувчи кучига айланади. Таълим тизими меҳнат бозорига ҳамоҳанг ишлаб, дипломсизлик ёки тажрибасизлик ёшлар йўлидаги тўсиқ бўлмай қолади. Стартаплар, имтиёзли кредитлар ва ижтимоий лифтлар ҳар бир истеъдод эгасига ўз юртида қадр топиш имконини беради. Ёш оилаларнинг уй-жой ташвишидан қутулиши, ҳар бир иқтидорнинг давлат ҳимоясини ҳис қилиши, ёш оилалардаги ажралишларнинг камайиши уларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди. Келажагини хориждан эмас, ватанидан қидирадиган янги, эркин фикрли авлод шаклланади.



ПЕДАГОГЛАР ФАРЗАНДЛАРИ УЧУН 30 ФОИЗЛИ ЧЕГИРМА ҚЎЛЛАНАДИ

Олий таълим

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 17 сентябрдаги қарорига кўра, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган ҳамда таҳсил олаётган педагогларнинг фарзандлари учун тўлов-контракт суммасига 30 фоиз миқдорида чегирма жорий этилади.

Бу ташаббусни педагогларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чораларнинг мантиқий давоми сифатида кўриш мумкин. Чунки педагогнинг меҳнати нафақат таълим бериш, балки ёш авлоднинг билим ва дунёқарашини шакллантириш, мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш билан бевосита боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан, педагогларни қўллаб-қувватлаш фақат иш жойидаги меҳнат шароитлари ёки иш ҳақи билан чекланиб қолмаслиги, балки оилавий ва ижтимоий эҳтиёжлари ҳам ҳисобга олиниши муҳим. Бу эса педагогларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, улар учун қўшимча имкониятлар яратиш ва оилада молиявий юкни камайтиришга хизмат қилади.

— Бу имтиёзда педагогнинг фарзанди давлат олий таълим ташкилоти бакалавриатида кундузги таълим шаклида, тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган бўлиши талаб этилади, — дейди олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг ахборот сиёсати бўйича маслаҳатчиси Назокат Абдуқундузова. — Ота-онанинг иккаласи ҳам педагог бўлса, бу ҳолатда имтиёз икки карра оширилмайди. Бир фарзанд учун белгиланган 30 фоизли чегирма қўлланади.

Бироқ педагогнинг бир неча фарзанди юқоридаги шартлар асосида давлат ОТМда таҳсил олаётган бўлса, ҳар бир фарзанд учун чегирма алоҳида бўлади. Бу эса педагог оиласи учун нафақат бир, балки бир неча фарзандининг таълим харажатларини енгиллаштириш имконини беради.

Имтиёзни белгилашда педагогнинг иш стажи ёки малака тоифаси бўйича алоҳида талаблар назарда тутилмаган. Яъни педагогнинг соҳада неча йил ишлагани, биринчи ёки олий малака тоифасига эгалиги каби мезонлар ушбу чегирмадан фойдаланиш учун алоҳида шарт сифатида киритилмаган.

Асосий мезон ота ёки онанинг белгиланган тартибда педагог мақомига эга бўлиши, фарзандининг эса қарорда кўрсатилган шартлар асосида давлат ОТМда таҳсил олаётганидир. Шу ерда бир муҳим жиҳатни ҳам алоҳида таъкидлаш керак, мазкур имтиёз қўшимча ёки табақалаштирилган (оширилган) контракт суммасига эмас, базавий тўлов-контракт миқдорига нисбатан қўлланади.

Қарорга кўра, имтиёз фақат бакалавриатнинг кундузги таълим шаклида таҳсил олаётганларга татбиқ этилади. Сиртқи, кечки ва масофавий таълим шаклларига тегишли эмас.

Чегирма олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим ташкилотларида, Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиалларида, қўшимча ва табақалаштирилган тўлов-контракт асосида, хорижий ҳамкор ОТМларнинг қўшма таълим дастурлари асосида ва факультетларида, нодавлат олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётганларга нисбатан ҳам қўлланилмайди.

Мазкур имтиёз барча олий таълим ташкилотлари ёки барча турдаги контрактларга бирдек татбиқ этилмайди. Қарорда имтиёзнинг амал қилиш доираси аниқ белгилаб қўйилган.

Яна бир муҳим жиҳат — чегирмани олиш учун алоҳида қоғозбозликни минималлаштиришга қаратилган электрон тартиб жорий этилган. Педагоглар шартнома олиш учун kontrakt.edu.uz тизими орқали ариза юборади. Аризани кўриб чиқиш жараёнида ариза берувчининг педагог фарзанди экани “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тасдиқланиши керак.

Аризалар масъул ташкилот томонидан 2 иш куни мобайнида кўриб чиқилади. Чегирма ўқув йили учун бир маротаба қўлланилади.

Шу билан бирга, имтиёз педагогнинг иш жойига нисбатан ҳам муайян доирада амал қилади. Яъни қарорда назарда тутилган педагог мақомига эга шахсларнинг фарзандлари ушбу ҳуқуқдан белгиланган шартлар асосида фойдаланиши мумкин. Бу ерда асосий эътибор педагогнинг лавозими ёки стажига эмас, унинг педагог сифатидаги ҳуқуқий мақомига қаратилади.

— Агар педагогнинг фарзанди олий таълимда таҳсил олаётган даврда унинг отаси ёки онаси педагог тоифасидан чиқарилса, чегирма кейинги ўқув йилидан бошлаб қўлланмайди, — дейди Назокат Абдуқундузова. — Яъни педагог мақоми имтиёзни сақлаб қолишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Мазкур имтиёз таълимнинг қайси бўғинида меҳнат қилаётганидан қатъи назар, белгиланган талабларга жавоб берувчи педагогларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Яъни мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, касбий таълим ва бошқа таълим ташкилотларида фаолият юритаётган педагоглар учун асосий мезон бир хил — педагог мақомига эга бўлиш.



Олий таълим олиш ҳар бир оила учун катта мақсад, шу билан бирга, муайян молиявий масъулият ҳамдир. Айниқса, бир оилада бир неча фарзанд талаба бўлса, контракт тўловлари оила бюджетига сезиларли юк бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, 30 фоизли чегирма педагоглар учун сезиларли молиявий енгиллик яратиши кутилмоқда.

Бу имтиёзнинг яна бир муҳим жиҳати — давлат педагогнинг меҳнатини унинг оиласи билан боғлиқ ижтимоий эҳтиёжлар орқали ҳам қадрлаётганини кўрсатади. Педагог ёш авлодга таълим беради, бошқаларнинг фарзандлари келажаги учун масъулият олади. Унинг ўз фарзанди таълимида ҳам давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ана шу меҳнатга бўлган эътиборнинг амалий ифодасидир.

Педагог учун моддий қўллаб-қувватлашнинг ўзи ҳам муҳим. Аммо инсон меҳнати қадрланаётганини ҳис қилиши, оиласи ва фарзандлари манфаатлари ҳам эътиборда эканини кўриши катта маънавий аҳамиятга эга.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz.uz_news yuz.uz_news

Дунёда турли қонуният асосида тузилган алифболар мавжуд. Лекин идеал алифбо, энг аввало, бир муҳим қонуниятга таянади: бир товуш — бир ҳарф. Бу тамойил шунчаки назарий қоида эмас. У ёзув тизимининг соддалиги, изчиллиги ва барқарорлигини таъминлайди. Бола савод чиқараётганда ҳам, тилшунос луғат тузаётганда ҳам, дастурчи матнни қайта ишлаётганда ҳам айнан шу тамойил енгиллик яратади.



O‘ o‘ → Ö ö
G‘ g‘ → Ğ ğ
Sh sh → Ş ş
Ch ch → Ç ç



АЛИФБО МУКАММАЛЛИГИ — ИЛМИЙ ЗАРУРАТ ВА ЗАМОН ТАЛАБИ

Мулоҳаза

Миллатлар тарихида шундай қарорлар бўладики, уларнинг аҳамияти бир кун ёки бир йил билан эмас, балки кейинги ўнлаб йиллар, ҳатто асрлар тақдири билан ўлчанади. Шубҳасиз, миллий алифбо масаласи ҳам шулар жумласидан. Чунки алифбо шунчаки ҳарфлар йиғиндиси эмас, у миллатнинг ёзма тафаккури, илмий салоҳияти ва рақамли келажагини ўзаро боғлаб турувчи мустаҳкам пойдевор.



Иномжон АЗИМОВ,
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази директори, филология фанлари доктори, профессор

Бугун инсоният рақамли цивилизациянинг янги босқичига қадам қўймоқда. Сунъий интеллект, катта маълумотлар, электрон давлат бошқаруви, автоматик таржима, нутқни таниш ва рақамли таълим каби технологиялар жадал ривожланаётган бир пайтда ҳар бир тил замон билан ҳамнафас бўлиши, унинг ёзув тизими эса содда, изчил ва технологик жиҳатдан барқарорлик касб этиши зарур. Шу маънода, алифбони такомиллаштириш фақат бугуннинг эмас, эртанги куннинг ҳам эҳтиёжидир.

Жорий йил 10 сентябрь куни Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган алифбо лойиҳаси қисқа муддатда пайдо бўлган эмас. У қарийб ўн йил аввал мамлакатимизнинг таниқли олимлари иштирокида тузилган ишчи гуруҳнинг изчил изланишлари, ўзаро баҳс-мунозаралар ва илмий муҳокамалар маҳсулидир. Бу жараёнда тилшунос олимлар билан бир қаторда педагоглар, ахборот технологиялари мутахассислари, ҳуқуқшунослар, ноширлар, дастурчилар, журналистлар ва бошқа соҳалар вакиллари фаол иштирок этди.

Шу йилларда ишчи гуруҳ томонидан алифбонинг бешта турли лойиҳаси ишлаб чиқилди ва жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Хусусан, 2021 йил 16 март куни такомиллаштирилган алифбо лойиҳаси расман эълон қилиниб, мамлакат миқёсида кенг муҳокама қилинган эди. Олимлар, мутахассислар ва фуқаролар билдирган юзлаб таклиф ва мулоҳазалар синчиклаб ўрганилди. Ҳар бир ечимнинг илмий, амалий ва техник жиҳатлари таҳлил қилинди. Натижада илмий баҳслардан ўтган, турли қарашларни ўзида уйғунлаштирган якуний лойиҳа шакллантирилди.

Энг муҳими, таклиф этилаётган алифбо амалдаги ёзув тизимида йиллар давомида сақланиб келаётган асосий имловий ва техник муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади. Шу билан бирга, ёзувни сунъий равишда мураккаблаштирмайди. У таълим тизимида ҳам, давлат идоралари фаолиятида ҳам, ноширлик фаолиятида ҳам, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳам осон қўлланадиган, изчил ва замонавий ечимни таклиф этади. Бошқача айтганда, бу лойиҳа ҳарфларни шунчаки алмаштириш эмас, балки ўзбек ёзувини яхлит тизим сифатида такомиллаштиришга қаратилган.

Айни пайтда ижтимоий тармоқлар ва турли ахборот майдонларида алифбога киритилаётган ўзгаришлар юзасидан турли фикрлар билдирилмоқда. Бу — табиий ҳол. Чунки ҳар қандай катта ислоҳот турли саволларни ҳам, жиддий муҳокамаларни ҳам келтириб чиқаради. Бироқ масаланинг моҳиятини чуқур англамай, юзаки билдирилаётган айрим мулоҳазаларга ҳам кўзимиз тушмоқда. Алифбо эса ҳиссиёт ёки шахсий дид билан эмас, балки тилнинг фонетик тамойиллари, графика, ахборот технологиялари асосида баҳоланадиган илмий тизимдир.

Шу боис, бугун “қайси ҳарф чиройлироқ?” деган савол эмас, “қайси алифбо ўзбек тилининг бугунги ва эртанги эҳтиёжларига кўпроқ жавоб беради?” деган савол ва унинг жавоби биз учун муҳим бўлиши лозим. Айнан шу саволга илмий далиллар, тарихий тажриба ва амалий эҳтиёжлар асосида жавоб излашга ҳаракат қиламиз.

Яхлит ва мантиқий тизим

Амалдаги алифбо ҳақида сўз кетганда, савол “Бугунги ўзбек алифбоси замонавий тил, таълим ва рақамли технологиялар талабларига тўлиқ жавоб бера оляптими?” тарзида қўйилиши лозим.

Агар саволга ижобий жавоб бера олганимизда алифбони такомиллаштириш ҳақида ўн йиллаб баҳслар бўлмас эди. Мавжуд ёзув тизими барча соҳада муаммосиз ишлаганида, тилшунослар, дастурчилар, педагоглар ва бошқа мутахассислар бу масала устида йиллар давомида бош қотирмаган бўларди.

Демак, бугунги муҳокама марказида муайян ҳарф эмас, балки алифбонинг ички тизими турибди.

Дунёда турли қонуният асосида тузилган алифболар мавжуд. Лекин идеал алифбо, энг аввало, бир муҳим қонуниятга таянади: бир товуш — бир ҳарф. Бу тамойил шунчаки назарий қоида эмас. У ёзув тизимининг соддалиги, изчиллиги ва барқарорлигини таъминлайди. Бола савод чиқараётганда ҳам, тилшунос луғат тузаётганда ҳам, дастурчи матнни қайта ишлаётганда ҳам айнан шу тамойил енгиллик яратади.

Амалдаги ўзбек алифбосида эса мазкур тамойил тўлиқ таъминланмаган: айрим ҳарфлар икки белги орқали ифодаланади. Қўш белгили бу ҳарфларни тўғри ёзиш эса муаммо экани бор ҳақиқат. Бу ҳолат инсон учун ҳам, компьютер учун ҳам турли қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун таклиф этилаётган ўзгаришлардан бош мақсад айрим ҳарфларни “чиройлироқ” қилиш эмас, балки алифбони яхлит ва мантиқий тизимга айлантиришдир.



Нега O‘ ва G‘ ўрнига Ö ва Ğ таклиф қилинмоқда?

Бугун энг кўп муҳокама қилинаётган, таъбир жоиз бўлса, алифбо ислоҳотига асосий сабаб бўлган бош муаммо ҳам O‘ ва G‘ ҳарфларидир. Бир қарашда улар оддий, кичик кўринади. Лекин масала ҳам айнан ана шунда — кичик белги катта муаммоларга сабаб бўлмоқда.

Амалда O‘ ва G‘ ҳарфларида қўлланадиган белги ягона эмас. Бир одам тўғри апострофдан фойдаланади, бошқаси тескари белгини қўяди, яна бири қия белгини ишлатади. Ташқи кўриниши яқин бўлган бу белгилар компьютер учун мутлақо бошқа-бошқа кодлардир.

ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН АЛИФБО ЛОЙИҲАСИНИ МУКАММАЛЛИКНИНГ СЎНГГИ НУҚТАСИ ДЕБ АЙТИШ ТЎҒРИ БЎЛМАЙДИ. ЗЕРО, ДУНЁДА МУТЛАҚО МУКАММАЛ АЛИФБОНИНГ ЎЗИ ЙЎҚ, АММО ҲАР ҚАНДАЙ ИСЛОҲОТНИНГ ҚАДРИ УНИНГ МАВЖУД МУАММОЛАРНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ҲАЛ ҚИЛА ОЛИШИ БИЛАН БАҲОЛАНАДИ.

Натижада бир хил сўз турли кўринишда ёзилиб кетади. Электрон қидирув тизими айрим матнларни топмайди. Давлат ахборот тизимларида бир фуқаронинг фамилияси бир нечта кўринишда қайд этилиши мумкин. Электрон ҳужжатлар, маълумотлар базалари, автоматик саралаш ва рақамли хизматларда турли номувофиқликлар юзага келади.

Эътиборли жиҳати шундаки, бу муаммо имло қоидасини ўзгартириш билан ҳал бўлмайди. Чунки муаммо тилда эмас, белгининг техник табиатида. Компьютер инсон кўзи каби кўрмайди. У ҳар бир белгини алоҳида код сифатида қабул қилади.

Алифбо лойиҳасига киритилган Ö ва Ğ эса мустақил ҳарфлардир. Улар ягона юникод кодига эга. Барча замонавий операцион тизимлар, веб-платформалар ва дастурий муҳитлар томонидан бир хил қабул қилинади. Бу эса йиллар давомида йиғилиб келган техник муаммоларни бартараф этади. Яна бир муҳим жиҳат шуки, таклиф қилинаётган ҳарфлар биз учун бегона эмас, бу ҳарфлар жадид боболаримиз томонидан ишлаб чиқилган, 1929-1940 йилларда амалда бўлган. Шу билан бирга, 1993 йилда қабул қилинган алифболарда ҳам мавжуд. Демак, бу ўринда тарихий тажриба ҳам инобатга олинган.

Баъзан “Ахир биз O‘ ва G‘ га ўрганиб қолганмиз-ку”, деган фикр ҳам билдирилмоқда. Айни пайтда ушбу фикр эгаларининг аксарияти бу ҳарфларни тўғри ёзолмаслигини, уларни одатда тутуқ ё бошқа белги билан ёзиб кетишини ва буни жиддий хато деб ҳисобламаслигини ҳам эътироф этмоқда. Муаммоли ҳарфларни тўғри ёза олмаслигини эътироф этган ҳолда уларни ҳимоя қилмоқ саводхонликка ҳам, мантиққа ҳам зид ҳолат. Муаммо борми, уни ҳал этиш зарур, хаспўшлаш эса фақат зиёнга хизмат қилади.

Нега Sh ва Ch ҳам ўзгармоқда?

Айримлар “Фақат O‘ ва G‘ ни ўзгартириш кифоя, Sh ҳамда Ch ни эса қолдириш мумкин”, деган фикрни билдирмоқда. Бир қарашда бу таклиф имло ислоҳотини енгил ўтказишга хизмат қиладиган ечим каби кўринади. Аммо илмий-амалий нуқтаи назардан бу тўғри бўлмайди: айнан шу чала тузатиш яна қачондир алифбони такомиллаштириш масаласини кун тартибига олиб чиқиши мумкин.

Зеро, бугун Sh ҳамда Ch ҳарфлари фақат назарий эмас, амалий муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Масалан, луғатларда сўзларни алифбо тартибида жойлаштириш, автоматик саралаш, морфологик таҳлил, матнни рақамли қайта ишлаш, қисқартмалар ясаш каби жараёнларда Sh ва Ch алоҳида эмас, иккита мустақил ҳарф сифатида қабул қилинади. Бу эса компьютер дастурлари учун қўшимча алгоритмлар талаб қилади. Is’hoq, as’hob каби сўзларда эса йўқ жойдан истисно қоидаларини жорий этиб, вазифасига зид равишда тутуқ белгисини қўллашимизга тўғри келмоқда. Жадид намояндаларидан Иброҳим Тоҳирий имло қоидаларида истисноларнинг бўлиши унинг тўғрилигини шубҳа остига қўяди деган эди.

Таклиф этилаётган Ş ва Ç ҳарфлари қўлланганда эса мазкур товушлар мустақил ҳарф сифатида ифодаланади. Натижада инсон учун ҳам, компьютер учун ҳам ягона ва изчил тизим вужудга келади.

Нега айнан Ö, Ğ, Ş ва Ç танланди?

“Нима учун бошқа белги эмас, айнан шу ҳарфлар?” деган савол ҳам бўлиши табиий. Бу ерда танлов ташқи кўринишга эмас, илмий ва амалий мезонларга асосланган.

Биринчидан, мазкур ҳарфларнинг ҳар бири битта мустақил графемадан иборат. Демак, улар “бир товуш — бир ҳарф” тамойилига тўлиқ мос келади.

Иккинчидан, бу ҳарфлар халқаро рақамли стандартларда мустаҳкам ўрин эгаллаган. Улар шаклдошлари орасида кенг тарқалган бўлиб, алоҳида юникод кодлари мавжуд ва барча замонавий ахборот тизими томонидан қўллаб-қувватланади.

Учинчидан, мазкур графемалар туркий тиллар ёзувида кенг қўлланиб келаётгани ҳамда аввал ҳам икки марта алифбомиз таркибидан ўрин олгани боис, улар ўзбек ёзуви учун ҳам мутлақо табиий.

Шунинг учун бу танлов тасодифий эмас, балки тилшунослик, ахборот технологиялари ва халқаро тажрибанинг кесишган нуқтасида қабул қилинган ечимдир.

Нега ng таркибдан чиқарилди?

Муҳокамаларда энг кўп учраётган саволлардан яна бири ng ҳақида. Аввало, Ng ўзбек тилида чекланган фонетик муҳитда учрайди. У ҳеч қачон сўз бошида келмайди. Қолаверса, минг йил давомида араб алифбосида ҳам, кейин кирилл алифбосида ҳам ва ниҳоят, амалдаги лотин алифбосида ҳам n ва g ҳарфлари орқали ифодаланган. Яъни бу товушнинг икки ҳарф билан ифодаланишида азалий кўникма мавжуд. Энг муҳим жиҳат шуки, бошқа ҳарфий бирикмалардан фарқли ng бирикмаси амалиётда ҳеч қандай муаммога сабаб бўлмаяпти. Аксинча, уни яхлит ҳарфга айлантириш амалиётда янги муаммоларни юзага келтиради. Жумладан, сон-саноқсиз адабиётларни янгиланган алифбога ўгиришда электрон дастурлар ko‘ngil, singil, dengiz сўзларидаги ng товуши билан бирга menga, shakllangan, shtanga каби сўзлардаги бир-бирига алоқасиз n ва g ҳарфларини ҳам яхлит ҳарфга айлантириб юборади. Шунингдек, жуда кўп сўзларни ёзишда иккиланиш пайдо бўлиб, саводхонликка ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Нега тутуқ белгисидан воз кечилмади?

Тутуқ белгисига нисбатан ҳам турли фикрлар билдирилмоқда. Лекин у ўзбек тилида муайян вазифани бажаради. Айрим ҳолларда товушларни ажратиш, талаффузни аниқлаш ва маънони фарқлашда унинг аҳамияти сақланиб қолмоқда.

Шунинг учун илмий ёндашув уни бутунлай йўқотиш эмас, балки қўлланиш доирасини аниқ белгилашдан иборат. Бу, бир жиҳатдан, ёзувни соддалаштирса, иккинчи томондан, тилнинг табиий хусусиятларини ҳам асраб қолади. Шу маънода, тутуқ белгисининг қўлланиш доирасини такомиллаштириладиган имло қоидаларида алоҳида кўриб чиқиш мумкин.

Муҳокамаларда билдирилаётган таклифлардан бири — унлилар сонини 9 тага етказиш масаласи. Бу ҳозирги ҳолатда амалга ошиши қийин бўлган масала. Чунки бу таклиф қабул қилинса, алифбода жиддий инқилобий ўзгариш юз беради. Унлиларнинг қаттиқ-юмшоқлик бўйича жуфтланиши ўтган асрларда бўлган эса-да, буни бугун ҳатто айрим филологлар ҳам ажрата олмайди. Ҳозирги алифбо ислоҳоти эса муаммолар яратишга эмас, уларни ҳал этишга қаратилган.

Алифбо ислоҳоти ҳақида фикр юритар эканмиз, бундай жиддий ва илмий масалага ҳиссиёт, одат ёки шахсий дид нуқтаи назаридан эмас, балки илм-фан, миллий манфаат ва келажак эҳтиёжлари нуқтаи назаридан ёндашиш зарур.

Мақсад — изчил ечим топиш

Таклиф этилаётган алифбо лойиҳасини мукаммалликнинг сўнгги нуқтаси деб айтиш тўғри бўлмайди. Зеро, дунёда мутлақо мукаммал алифбонинг ўзи йўқ, аммо ҳар қандай ислоҳотнинг қадри унинг мавжуд муаммоларни қай даражада ҳал қила олиши билан баҳоланади. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур лойиҳа амалдаги алифбода йиллар давомида кузатиб келинган қатор лингвистик, имловий ва техник муаммоларга изчил ечим таклиф этади.

Бугун ўзбек тили олдида янги вазифалар турибди. У нафақат кундалик мулоқот ва бадиий адабиёт тили, балки замонавий илм-фан, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, электрон давлат бошқаруви ва халқаро ахборот алмашинувининг ҳам тўлақонли воситасига айланиши керак. Бу мақсадга эришиш учун тилнинг ички қонуниятларига таянган, изчил ва технологик жиҳатдан барқарор ёзув тизими зарур. Такомиллаштирилаётган алифбо айнан шу эҳтиёжларга жавоб беради.

Шубҳасиз, ҳар қандай янгилик дастлаб саволлар ва турли муносабатларни келтириб чиқаради. Бу табиий жараён, бироқ тарихий тажриба шуни кўрсатадики, илмий асосланган қарорларнинг ҳақиқий қиймати вақт ўтиши билан янада яққол намоён бўлади. Кеча баҳсли туюлган кўплаб янгиликлар бугун ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланганидек, бу ислоҳотнинг ижобий самараси ҳам йиллар давомида ўзини намоён этади.

Шу боис, бизнинг вазифамиз ҳар қандай ислоҳотни, жумладан, миллий алифбога киритилаётган тузатишларни далил ва тахмин эмас, илм билан баҳолашдан иборат. Чунки тилнинг келажаги ҳақида қабул қилинган ҳар бир оқилона қарор, аввало, миллатнинг келажагига қўйилган сармоядир.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-946.
29323 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Азизбек Юсупов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 22:27 Топширилди — 22:45